

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

Умарова Мафтуна Абдураимовна

**“Рубоб прима сози яратилиши ва такомиллаштирилишининг
илмий ҳамда амалий асослари”**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: А.Р.Баҳриев, Ўзбекистон давлат
консерваторияси доценти, психол.ф.н.

Такризчи: А.Гочбакаров, Ўзбекистон давлат
консерваторияси катта ўқитувчиси

Тошкент 2018

МУНДАРИЖА

Боб ва параграфлар номи	Бети
КИРИШ	3
АСОСИЙ ҚИСМ. I боб. Кўп овозли чолғу ижрочилиги замонавий ўзбек музикаси тараққиётидаги муҳим омил сифатида.	
1.1. Мизробли чолғу созлари яратилиши тарихидан.....	10
1.2. Рубоб прима сози яратилиши билан боғлиқ ижтимоий-маданий омиллар ва унинг такомиллаштирилишидан кутилган ҳамда эришилган натижалар.....	13
II боб. Рубоб прима созининг якканавоз ва оркестр таркибидаги амалиёти.	
2.1. Рубоб прима созандалари фаолиятига бир назар.....	17
2.2. Рубоб прима учун ёзилган ва мослаштирилган музика асарларини ижро этиш хусусиятлари ва ундан кўзланган мақсад (қиёсий таҳлил)....	33
III боб. Рубоб прима сози таълими истиқболлари.	
3.1. Рубоб прима сози ўқитилиши билан боғлиқ услубий масалалар тавсифи.....	43
3.2. ЎзБА қошидаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб интернати халқ чолғулари бўлимида рубоб прима сози ўқитилиши ва педагог Насиба Содиқованинг илғор иш тажрибасидан.....	73
3.3. Бошланғич синфларда рубоб прима ижрочилигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган экспериментал ишлар....	78
Хулоса	90
Тавсиялар	91
Адабиётлар рўйхати	92
Иловалар	94

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги: Ўзбек халқи бой мусиқий анъаналарга эга. Қадимдан донишманд халқимизнинг моҳир созанда ва хонандалари, бастакорлари фаолият кўрсатиб, йиллар давомида халқимизга нафосат тарбияси бериб келган.

Аждодлардан авлодларга ўтиш жараёнида миллий мусиқанинг шакллари, ижровий имкониятлари асралиб ривожланган ва ҳар бир даврнинг моҳир ижрочилари томонидан замонга мос ижролари юзага келган.

Мусиқа чолғулари халқимизнинг миллий хусусиятлари негизида яратилганлиги боис ҳам уларда миллийлик хусусиятлари кучли. Миллий чолғу созларининг азалий кўринишлари ва ҳолатлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турган. Ўтмиш алломаларнинг қолдирган илмий меросида бу ҳақда гапириб ўтилган ва чолғуларнинг кенг қамровлилигига аҳамият қаратилган. Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади.

Ўзбек миллий чолғу ижрочилигида алоҳида ўринга эга бўлиб келаётган рубоб приманинг ижровий техник имкониятлари, ўзига хос овоз тембри хусусиятлари махсус тадқиқот предмети сифатида маълум даражада ўрганилган бўлсада, унинг ўқитилиши, таълим методикаси борасида бажарилган илмий тадқиқотлар унча кўп эмас.

Мусиқий чолғулар доимо халқларнинг миллий қадриятлари қаторига кириб, худди миллий мусиқий оҳанглари каби халқ маънавий дунёсини бойитувчи, руҳиятини тетиклаштирувчи, ижодиётини бирлаштирувчи, тарихдан хабар берувчи восита сифатида қадрланиб келинган.

Шу боис, ўзбек миллий чолғуларидан бири сифатида рубоб приманинг бугунги кундаги якканавоз ҳамда оркестр таркибидаги соз сифатидаги амалиёти жараёнлари, мазкур сознинг келиб чиқиш тарихини, бу созда ижро этиш техникасини ривожлантирган устоз созандаларни, шунингдек, бугунги кунда рубоб прима созини ёш авлодга ўргатиш, унинг таълими масаласидаги

айрим ўзига хос жиҳатларни махсус магистрлик диссертация тадқиқоти предмети сифатида ўрганиш тақозо этилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг объекти: Рубоб прима сози, унинг амалиётига оид илмий-услубий фаолият.

Диссертация тадқиқотининг предмети: Рубоб прима созининг ижро техникаси ва ушбу чолғуда ижро этиладиган репертуар асарлар тавсифи, ижрочилик амалиётида шаклланган услублар ва устоз-шогирд анъаналари.

Диссертация тадқиқотининг мақсади: Рубоб прима созининг келиб чиқиш тарихи, бугунги кундаги амалиёти ҳамда истиқболдаги тараққиётига оид жараёнлар таҳлили.

Диссертация тадқиқотининг вазифалари: Ўзбек халқ мусиқа ижрочилигида рубоб прима чолғусининг ўрнини илмий-мусиқий ўрганиш, амалиётда ушбу соз ижрочилигида самарали фаолият олиб борган моҳир созандалар фаолиятини таҳлилий ёритиш, ижро амалиётида яратилган ва ижро услублари асосида юзага келган устоз-шогирд анъанаси ютуқларини бугунги таълим жараёнлари талаблари асосида ўрганиш ва тавсифлаш. Шунингдек, устозлар томонидан рубоб прима чолғусида истеъмолга киритилган ижрочилик анъаналари бўйича ёш созандалар учун зарур маълумотларнинг амалиёт учун аҳамиятли жиҳатларини ўрганишдан иборат.

Диссертациянинг методологик асослари. Ўтмиш алломаларимиз асарларида ёритилган мусиқа санъати, хусусан миллий чолғучилик санъатининг тараққиёти, унинг етук инсонни тарбиялашдаги аҳамиятига оид илмий фикрлар. Шунингдек, танланган мавзуни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари, нутқлари ва маърузаларида таъкидлаб ўтилган мусиқа санъати ва таълимини ривожлантиришга оид долзарб масалалар методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация ишининг илмий янгилиги: Рубоб прима созининг якканавоз ва ўзбек халқ чолғу оркестри таркибидаги ижровий имкониятлари замонавий ижрочилик техникаси талаблари нуктаи назаридан ўрганилди.

Рубоб прима созини бошланғич синфларда ўргатиш бўйича методикаларга қўшимча киритдик. Ўқувчиларда ижро техникасини ривожлантиришда пунктир ритм

Шу негизда рубоб прима чолғусининг яратилиши, унинг дастлабки ижрочилари, дастлабки ижро этилган асарлар, бугунги кунда ижро амалиётида мавжуд репертуар асарлар маълум тизимга солинган шаклда тавсифланди. Рубоб прима сози таълими ва ижрочилик амалиётининг истиқболлари илмий-муסיқий жиҳатдан прогноз қилинди.

Диссертация тадқиқотининг асосий масалалари ва фаразлари:

Диссертация ишида ўзбек халқ муסיқа ижрочиличига рубоб прима чолғусининг ўрнини илмий-муסיқий ўрганиш, ушбу соз ижрочиличига самарали фаолият олиб борган ва бугунги кунда фаолият кўрсатаётган созандалар фаолиятини таҳлилий ўрганиш, ижро амалиётида яратилган ва ижро услублари асосида юзага келган устоз-шогирд анъанаси ютуқларини ўрганган ҳолда тавсифлаш асосий масалалар сифатида киритилди.

1. Рубоб прима чолғуси бўйича ўқитиш методикаларини такомиллаштириш ва ижро имкониятларини назарда тутган ҳолда янги репертуар асарлар яратилса, ижрочилик сифати янада ошиши мумкин.

2. Агар муסיқа ва санъат мактабларида ўқитишни янги педагогик технологиялар асосида ўқитишга эътибор янада кучайтирилса, ўқитиш сифати ошиши эҳтимол.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили: Рубоб прима чолғуси бўйича ҳозиргача яратилган ва яратилиб келинаётган қатор китоблар ва қўлланмалар мавжуд. Уларга мисол тариқасида Ниғматжон Шариповнинг “Рубоб прима” номли 2003 йилда Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланмаси, қўшимча адабиёт сифатида қўллаш имкони мавжуд бўлган Олимжон Акбаровнинг “Педагогик амалиёт. Прима рубоби” номли 2005 йилда “Истиқлол” нашриётида чоп этилган маданият ва санъат, педагогика коллежлари учун ўқув қўлланмаси, Азат Гочбакаровнинг “Рубоб прима чолғу

ижрочилиги” номли олий таълим муассасалари талабалари учун 2015 йилда “Муסיқа” нашриётида чоп этирилган ўқув қўлланмаси, Отабек Мискиновнинг 2015 йилда “Муסיқа” нашриётида чоп этирилган “Рубоб прима наволари” номли олий таълим мусасасалари талабалари ҳамда муסיқа ва санъат коллежи ва лицей ўқувчилари учун тўплами, қўшимча адабиёт сифатида Одилжон Назаровнинг “Халқ чолғуларида ижрочилик” қашқар рубоби учун гамма ва этюдлар” номли 2016 йилда “Муסיқа” нашриётида консерватория талабалари учун нашр этилган ўқув қўлланмаси, Рустамжон Абдуллаевнинг “Рубоб прима садолари” ва бошқа китоблар мавжуд.

Ушбу китобларни таҳлилий нуқтаи назардан ўргандик ва диссертация ишида улардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Уларда рубоб прима ижросининг янада такомиллашиб бориши, миллий ва жаҳон классик муסיқасини ижро этиш йўллари ҳамда услублари хусусида талайгина қимматли маълумотлар бор. Истиқболда бу каби ўқув-методик адабиётларни кўпайтириш эҳтиёжи мавжуд.

Диссертация тадқиқотида қўлланилган методикалар тавсифи: Диссертация ишида рубоб прима созининг ижрочилик техникасини ўрганишда қиёсий таҳлил методикасидан фойдаланган ҳолда рубоб приманинг турли усталар томонидан яратилган вариантлари, шу асосдаги слайдлар, фотосуратлар ҳамда нота мисоллари ўрганилди ҳамда изоҳлаш услублари қўлланилди, рубоб прима созининг яратилиши тарихига доир изланишда контент-таҳлил методикасидан фойдаландик.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот ишида эришилган илмий-методик натижалардан ўқув қўлланма, методик тавсиянома ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ишнинг амалий жиҳати эса рубоб прима чолғуси ижрочилигини янада такомиллаштириш, пировард натижада ушбу сознинг янада кенг оммалашишига имкон яратишдан иборат.

Диссертация мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кундаги амалий ижрочилик талаблари нуқтаи назаридан ўқув қўлланмалар ва

китоблар нисбатан камлиги туфайли ёш рубоб примачиларни тайёрлашда маълум қийинчиликлар намоён бўлмоқда. Айнан рубоб прима чолғуси учун яратилган **ўзбек куйлари нисбатан камлиги асосий камчиликлардан биридир**. Диссертация ишимизда машҳур созандаларнинг ижро йўл ва усуллари, ижрочилик фаолиятларида эришилган натижалардан келиб чиқиб мавзунини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Диссертация ишининг таркибий тузилмаси: Диссертация иши муқаддима, уч боб, 8 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 100 бетдан иборат.

А С О С И Й Қ И С М.
I БОБ. КЎП ОВОЗЛИ ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК
МУСИҚАСИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА.
1§. Мизробли чолғу созлари яратилиши тарихидан.

Муסיқа санъати инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Муסיқада инсон қалбининг нозик кечинмалари, изтироб-у қувончлари, ғоялари, фикрлари муайян ритм ва ўзаро уйғунлашган оҳанглар воситасида акс этади.

Муסיқанинг дунёга келишига биз яшаб турган замин, атрофимизни ўраб турган табиат, ҳаётимиздаги ранг-баранг жараёнлар, ҳолатлар сабаб бўлади. Айнан ана шу ҳолатлар ва биз идрок этиб турган жараёнлар, ҳис этаётган туйғуларимиз муסיқага айланиб яна ва яна ҳаётимизга кириб келаверади, ҳаётдан завқ олиб яшашга кўмаклашади.

Тўғрироғи, муסיқа инсоннинг ҳаётга муносабатини ўзгартиришга, унга ижобий тус, ранг-баранглик бахш этишга қодир, инсон қалбида руҳий қувват, кўтаринкилик улашишдек илоҳий қудратга, жозибага эга.

Биз болалигимиздан муסיқа тинглаб улғаямиз. Бешигимиз устида онамиз айтган алла оҳанглари билан илк бор муסיқий оҳангларнинг оромбахш мавжларига шўнғиймиз. Яхши муסיқий асар инсон иродасини мустаҳкамлайди, унинг феъл-атворида олижаноб хислатларни камол топтиради. Яхши муסיқа ҳаётни янада гўзаллаштиради, инсон кўнглини ёритади, қувончимиз-у ғамимизга шерик бўлади. Демак, баркамол инсонни тарбиялашда муסיқанинг аҳамияти ва ўрни бекиёсдир.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан имзоланган Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорда, - “Ўзбек халқининг миллий муסיқий мероси ва жаҳон муסיқа маданияти дурдоналари негизида муסיқа санъатини ривожлантириш, муסיқа таълимини сифат жиҳатидан янада кўтариш...”, - алоҳида таъкидлаб ўтилди¹. Шу боис ҳам,

¹ «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 9 август сони.

миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга асосланган, миллий руҳдаги асарларни ижод этиш янада жадаллашди.

Бугунги кун чолғу ижрочилиги санъатида шахс бадий тафаккурини миллий оҳанглар, анъаналар ва кўп асрлик мусикий мерос воситасида эстетик тарбиялаш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг мусикий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусикий салоҳиятни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган вазифалар кўрсатилган².

Ёш авлоднинг мусикий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Бунинг билан бирга, мамлакатимизда мусиқа санъатини янада рағбатлантириш, иқтидорли фарзандларимизнинг интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

“Давлат Дастури тўғрисида”ги Қарор ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда 136 та мусиқа ва санъат мактаблари янгидан барпо этилди, 142 таси реконструкция қилинди ҳамда тубдан таъмирланди, жумладан, Тошкент шаҳрининг ўзида 30 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатмоқда. 2015 йилнинг 20 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада

² “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори / “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 9 июль сони.

такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва янги босқичда давом эттиришда муҳим ўрин тутди. Қарорда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган манзилли дастурига мувофиқ, 2016-2020 йиллар мобайнида мамлакатимизда 14 минг 700 ўринли 98 та болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этиш белгиланган.

Шунингдек, таълим даргоҳлари 72 номдаги ўқув қўлланма ва адабиётлар, ноталар тўплами ҳамда кўргазмали материаллар билан таъминланиши кўзда тутилган.

1.1. 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши бу борадаги ислохотларни изчил давом эттиришга кенг имкониятлар эшигини очиш билан бирга, мусиқа ва санъат йўналишида таҳсил олаётган ёшларнинг ўз иқтидорини намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга мусиқий таълимнинг энг янги педагогик метод ва ишланмалари асосида сабоқ бериш ва шу каби бошқа чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Мизробли чолғу созлари яратилиши тарихи борасида 2-параграфда мулоҳаза юритамиз.

1.2. Мизробли чолғу созлари яратилиши тарихидан

Ўтган асрнинг 1930-йиллари ўрталарида А.Петросянц раҳбарлиги остида бир гуруҳ мусиқа усталари В.Романченко, А.Кевхоянс, С.Диденколар В.Андреев иш тажрибасига таянган ҳолда торли-чертма чолғуларни 12 босқичли тенг температурацияланган тамойил асосида ижрочиликнинг замонавий талаб даражасига мослаштиришга, модернизациялаштиришга киришдилар. Модернизациялаштиришдан асосий мақсад: кўп овозли ансамбл ва оркестр жамоаларини тузишдан иборат эди. Шу пайтнинг ўзида

А.Петросянцда чолғуларнинг оиласини яратиш фикри пайдо бўлди. Натижада нота орқали ижро этадиган оркестрнинг шаклланишига асос солинди. 1940-йилларнинг бошларида лабораториянинг мусикий устахонасида уста-конструкторлар А.Петросянц ва С.Диденко, соз усталари В.Романченко ва А.Кевхоянслар ишлар эдилар. 1940-йилларнинг охири ва 1950-йилларнинг бошларида уларнинг таркибига Х.Муҳитдинов, А.Абдуғофуров, А.Тарасов, В.Шитиков, Н.Рюхин, М.Турдиев ва Ф.Бортниклар келиб қўшилдилар.



Улар торли-чертма чолғуларнинг товушқаторларига 12 босқичли тенг температурадашган хроматик товушқаторларни жорий этиш, чолғуларнинг оилаларини яратиш, торли квинтет, яъни торли-камонли чолғулар, хроматик чанг устида илк тажрибалар ўтказадилар. Буларнинг ҳаммасини А.Петросянц бир гуруҳ миллий усталаримиз билан биргаликда ўзбек халқ мусиқа чолғуларида ижрочилик таълимини умуммақбул нота тузилмасига мувофиқ тарзда йўлга қўйиш мақсадида амалга оширади.

А.Петросянц дастали чолғуларни модернизациялаштиришда 5 та асосий масалани кун тартибига қўяди:

1 - дастада жойлашган бойланма диатоник товушқаторни 12 босқичли тенг температураданган ва дастага ўрнатилган хроматик товушқатор билан алмаштириш;

2 - чолғулар оиласини яратиш;

3 - товуш сифатини яхшилаш, кучини ошириш ва чолғулар диапазонини кенгайтириш;

4 - товуш чиқариш, яъни ижрочилик имкониятларини қулайлаштириш;

5 - чолғуларни янги технология асосида яратиш.

Шу тарика анъанавий дутор асосида дутор тенор (900 мм.ч) чолғуси яратилди. Бунда биринчи бўлиб дастада жойлашган бойланма диатоник товушқатор 12 босқичли тенг температураданланган ва дастага ўрнатилган хроматик товушқатор билан алмаштирилди. Шунингдек, дутор тенор асосида дутор прима, дутор секунда, дутор альт, дутор бас ва дутор контрабасдан ташкил топган дуторлар оиласи яратилди. Ғижжаклар сингари дуторлар оиласидан ҳам оркестрлар ташкил этилди. Бундай жамоалар ўқув жараёнида кўп қўлланилган.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун ясалган чолғулар.



Болажонларимизнинг нафақат маънавий ривожланишлари, балки жисмонан соғлом бўлишлари учун болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларига мўлжаллаб махсус миллий чолғулар яратилди. Қашқар рубоби, дутор бас, анъанавий дутор ва қонун шулар жумласидандир.

Ушбу чолғулар орқали болалар ўз ижро маҳоратларини бемалол намоён эта оладилар. Шунингдек, Ўзбекистонда чолғу ижрочилиги сифатининг янада ривожланиши, миллий созларимизнинг дунёга тарғиб этиш ҳамда ёшларимизнинг Халқаро кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритишлари учун олий тоифали усталар: Б.Иноятов, Т.Мирзаев, А.Исломовлар олий ўқув юрти талабалари ва профессионал созандаalar учун бир қатор чолғуларни яратдилар. Ушбу чолғулар мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб, амалиётга жорий этилган.

Талабалар ва профессионал созандаalar учун яратилган чолғулар. Прима рубобларининг мензураси кенгайтирилди ва бу созандаalarнинг ижро маҳоратини намоён этишлари учун қулайлик яратди, шунингдек чиройли ва ёқимли тембр тароватига эга бўлди. Натижада ушбу чолғулар ансамбл ва

оркестрлар таркибидаги бошқа чолғулардан кескин фарқ қилмай, балки улар билан уйғунлашиб кетди.

Юқорида қайд этилган чолғуларни яшашда ҳамда уларни модернизациялаштиришда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган



маданият ходимлари, ўзбек миллий мусиқа чолғуларининг бетакрор усталари Хирожиддин Мухитдинов, Абдунаби Абдуғофуров, Фахриддин Мухитдинов, Хасан Мухитдинов, Олимхўжа Мелихўжаев, Бахтиёр Иноятов, Тохир Мирзаев, Азамат Исломов ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар.

Ҳозирги кунда лабораторияда Бахтиёр Иноятов, Тохир Мирзаев, Сайдамин Исахонов, Азамат Исломов каби малакали усталар билан бир қаторда Шокир Юнусов, Рустам Хожиев, Акбархўжа Мелихўжаев, Нурмуҳаммад Мухитдинов, Ўрал Сафаров ва Маҳмуд Иноятов каби иқтидорли янги авлод вакиллари ҳам ишлаб келмоқдалар. Ёшларнинг ушбу ишга жалб этилиши созгарлик санъатининг давомийлигини сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси истиқболда миллий чолғу созлари ижрочилигининг ривожланишига хизмат қилади. Рубоб прима сози яратилиши билан боғлиқ ижтимоий-маданий омиллар ва унинг такомиллаштирилишидан кутилган ҳамда эришилган натижалар борасида 3-параграфда сўз боради.

3 §. Рубоб прима сози яратилиши билан боғлиқ ижтимоий-маданий омиллар ва унинг такомиллаштирилишидан кутилган ҳамда эришилган натижалар

Рубоб прима чолғуси қашқар рубоби оиласини кенгайтириш, бу орқали халқ чолғулари оркестри овози (диапазони) жарангдорлигини ошириш мақсадида яратилган создир. Ўзбек халқ чолғулари бугунги такомилга етгунига қадар бир неча асрлик тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг миллий муסיқий чолғулари муסיқа маданиятининг ноёб ёдгорликлари сифатида қадрланиб келинган. Халқ амалий санъати намунаси кўринишида усталар томонидан яратилиб келинаётган бетакрор муסיқий чолғулар даврлар оша авайлаб-асралиб келинган. Энг муҳими, бу жараён ўтган даврнинг ҳар бир замонасига мос ҳолда такомиллашиб, ривожланиб келинган.

Барча халқлар қаторида ўзбек халқи ҳам ўз миллий қадриятлари, анъаналари негизида юзага келган муסיқий чолғу асбобларига эгадир. Ўзбек халқ муסיқа чолғулари, ўзининг ҳар томонлама мукамаллиги ва ранг-баранглиги билан бошқа халқлар чолғуларидан ажралиб туради. Шу билан бир қаторда, халқларнинг тарихий ривожланиш жараёнларида, халқларнинг ўзаро маданий алоқалари, миллий ижодиёти ривожига бир-бирига бўлган таъсирида умумийлик жиҳатлари билан суғорилган ёки яратилган чолғуларнинг ҳам амалиётига кириб келиши кузатилган. Бу борада ўзбек халқи чолғуларга бой халқ ҳисобланади. Чунки, ижрочилик амалиётимизда ўндан ортиқ - танбур, дутор, сато, ғижжак, чанг, қонун, рубоб, най, сурнай, кўшнай, карнай, ноғора ва дойра каби ҳар томоламу мукамал муסיқий чолғуларимиз бор. Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, муסיқий чолғулар ҳам халқимизнинг маънавий мероси сифатида аҳамиятга эгадир.

Айтишимиз лозимки, ҳеч бир халқ ўзга халқлар маданияти ёки урф-одатлари ва дунёқараши билан яшамайди, балки уларнинг тарихий ривожланиши давомида шаклланган ўзининг миллий қадриятлари юзага келади. Улар асрлар давомида ривожланиб улкан меросга айланади. Меросимиздан ўрин олган чолғу асбобларимизнинг ҳаммаси ҳам ана шундай ўтмишга эга бўлган чолғулардан ҳисобланади ва уларнинг ҳар бири ижрочилик амалиётида ўзининг ўрнига эгадир.

Даврлар ўтгани сайин чолғулар турли шакл ва товуш ўзгаришларига учраб, халқ усталари томонидан сайқалланиб келган. Бугунги кунда ўзбек халқ чолғулари гуруҳига кирувчи созлар дунёдаги энг қадимий муסיқий чолғулар ҳисобланиши ҳар бир созандага алоҳида ғурур бағишлайди.

Марказий Осиё худудидан топилган археологик қазилмалар орасидаги ҳайкалтарошлик ва амалий санъат намуналарида қадимги ва ўрта асрларга оид мусиқий созлар тасвири сақланиб қолганлиги бизни қувонтиради. Бугунги кунда рубоб прима чолғуси ўзбек халқ чолғулари орасида ўз ўрнига эга бўлиб, етакчи чолғулардан бири ҳисобланади. Бу чолғу ўтган асрнинг 2-ярмида Қашқар рубоби андозасида асосида ҳамда Скрипка сози ва Рус халқ чолғуси Домра созлари билан уйғунлашиб яратилган бўлиб, бу ўтган асрнинг қирқинчи йиллари иккинчи ярмида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор А.И.Петросянц раҳбарлигида Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий тадқиқот институти қошидаги экспериментал лабораториясида такомиллаштирилган рубоблар оиласини яратиш натижасида юзага келган чолғудир.

Кўриниши жиҳатдан рубоб ва домрага ўхшасада, диапазони ва овоз имконияти кенглиги квинта интервалига соزلаниши ва симларининг номлари худди скрипканикидек. Скрипка ва домра чолғуси коса қисми декадан қилинган бўлса, рубоб ва прима чолғусининг коса қисмига балиқ териси тортилган. Бу жиҳатлари билан эса кўпроқ қашқар рубобига ўхшайди. Илк ясалган прима чолғусининг коса қисми каттароқ бўлган. 1938-1975 йиллардаги изланишлар натижасида, ижро амалиётида турли ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида усталар томонидан энг тўғри, ҳар тарафлама қулай ҳолатда, бошқатдан ясалган рубоб прима 1976 йилда оркестр ва мусиқа аҳлига тадбиқ этилган.

Ҳозирги кунгача рубоб прима 1976 йилда ясалган андоза асосида ясашиб келинмоқда. Энг яхши ва тўғри ҳолати ўқувчилар учун энг қулай соз мана шу андозаданлигидир. Симфоник чолғу оркестрида скрипка чолғуси етакчи соз ва юқори регистрли чолғулардан ҳисобланса, рубоб прима ўзбек халқ чолғулари оркестрининг етакчи созидир. Унинг оркестрда тутган ўрни беқиёс. Жаҳон классик мусиқаларини ижро этишда рубоб прима чолғусининг ўрни каттадир. Рубоб прима чолғусида ўзбек миллий куйларимиз билан

биргаликда классика, жаз ва мусиқанинг бошқа йўналишидаги куйларни бемалол ижро этиш мумкин.

Рубоб прима



Қашқар рубоби



Рус халқ чолғуси домра



Ҳозирги кунга қадар болалар мусиқа ва санъат маклабларида, шу билан бирга академик лицей, мусиқа коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида оркестр ижрочилиги амалиётида рубоб прима чолғуси кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу эса мазкур чолғу созида ижрочиликнинг истиқболларидан дарак беради.

Рубоб прима сози такомиллаштирилиши жараёнида бугунги кунда миллий ҳамда жаҳон халқларининг мураккаб асарларини ижроо этишга имкон бермоқда. Демак, унинг ўқитилиши методикалари билан боғлиқ жиҳатлар янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Иккинчи бобда рубоб прима созандалари фаолияти билан боғлиқ илмий-услубий жиҳатлар хусусида тўхталамиз.

II БОБ. РУБОБ ПРИМА СОЗИНИНГ ЯККАНАВОЗ ВА ОРКЕСТР ТАРКИБИДАГИ АМАЛИЁТИ.

2.1. Рубоб прима созандалари фаолиятига бир назар

Рубоб прима сози XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг биринчи чорагида ўзбек мусикасида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлди. Бу даврда рубоб прима созини ҳам якканавоз, ҳам оркестр таркибидаги соз сифатида ижрочилигини ривожлантириш бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Натижада рубоб прима чолғуси кенг оммалашди, мусиқа ва санъат мактабларида алоҳида ўқитила бошланди. Рубоб прима чолғуси бугун ўзбек чолғу ижрочилигида ўзига хос ва мос ўринга эга бўлиб улгурди.

1948 йилда Тошкент давлат консерваториясида оркестр факультети таркибида “*Халқ чолғулари бўлими*” очилиши ҳамда у ерда дастлабки уч талаба *Аҳмад Одилов, Валентина Борисенко* ва *Феоктист Васильевлар* чанг, рубоб прима ва қашқар рубоб чолғуси бўйича таҳсил олганликлари келгусида ушбу чолғулар бўйича профессионал мутахассислар тайёрланишига замин бўлди.

Кейинчалик консерватория доценти лавозимида фаолият олиб борган В.Я.Борисенко ўқишни битиргач консерваторияда рубоб прима чолғусидан талабаларга дарс бериб, узоқ йиллар мобайнида ўнлаб моҳир созандаларга устозлик қилдилар. Улар орасида А.Маликов, Г.Салева, Б.Йўлдошев, М.Раҳимов, Б.Азимов, Ш.Жанайдаров, А.Дадамухаммедов каби иқтидорли ижрочилар етишиб чиқди.

Рубоб прима ижрочилиги ҳақида гап кетар экан, бу жараён бевосита оркестр ижрочилиги билан чамбарчас боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Чунки чолғуларнинг янги турларини яратишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам айнан ўзбек халқ чолғулари оркестри диапазони, унинг ижрочилик имкониятларини кенгайтиришдан иборат бўлган.

Рубоб прима оркестрнинг ижро имкониятлари ва диапазонини кенгайтирибгина қолмай, унинг тембр хусусиятларини ҳам бойитди.

Т.Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғулари академик оркестрининг кўп йиллик фаолияти давомида кўплаб рубоб прима ижрочилари етишиб чиқди ва МДХ давлатларининг кўплаб шаҳарларида, хорижий мамлакатларда ўзбек чолғу ижрочилик санъатини юксак профессионал даражада намойиш қилиб келдилар. Айниқса, ушбу оркестрда ишлаш жараёнида кўплаб ижрочилар ўз профессионал маҳоратларини оширишга, касбий жиҳатдан ўсишга, нафақат миллий, балки жаҳон мусиқа санъатининг дурдона асарларини ҳам маҳорат билан ижро этиш малакасига эга бўлдилар.

Оркестрнинг ижодий юксалишига ҳисса қўшган кўпгина талабалар кейинчалик маҳоратли устозларга айланиб, ўзлари ҳам шогирдлар етиштиришга бел боғладилар ва қатор ёш мутахассисларни етказиб бердилар.

Яқин тарихимизга мурожаат қилганимизда, кўплаб иқтидорли рубоб прима чолғуси созандалари ижод қилганларини кузатиш мумкин. Буларга мисол тариқасида Ш.Зияев, А.Мубораков, Н.Шарипов, М.Отахўжаев, О.Самадов, Н.Турсунова, О.Гочбакаров, Н.Содиқова каби созандаларни айтиб ўтиш мумкин.

Бу созандалар ўзларининг ижрочилик фаолиятлари давомида рубоб прима чолғу ижрочилигини ривожлантириб, унинг ижро имкониятларини тўлиқ очиб беришга ҳаракат қилишди, ижрочилик концерт дастурларини шакллантириб, бойитишда катта ҳисса қўшишди.



Хусусан Ш.Зияев раҳбарлигидаги рубоб примачи созандаларнинг кватрет, дуэт кўринишидаги ансамбл ижролари таҳсинга лойиқ. Бу ансамбл мунтазам концерт ижрочилик фаолиятини олиб боришлари натижасида 1983 йили Ш.Зияев ижросида ва 1990 йилда эса Халқаро ва республика танловлари ғолиби М.Отахўжаев ижросида бир канча асарлар грампластинкага ёзиб олинган.

Бундан ташқари рубоб прима сози ижро репертуарини бойитишда Ўзбекистон композиторлари билан ҳамкорлик катта самара берди, натижада рубоб прима чолғуси учун яратилган махсус асарлар пайдо бўлди. Булардан М.Махмудовнинг “Токката”, “Қўшиқ ва тарона”, Ҳ.Раҳимовнинг “Нақш ва тарона”, А.Вареласнинг “Рубоб прима ва фортепиано учун Концерт”, И.Ҳамроевнинг “Концерт”, О.Абдуллаеванинг “Концерт пьесаси”, Н.Норхўжаевнинг “Наврўз уфори”, М.Отажонов “Токката” А.Набиевнинг “Юмореска”, Б.Е.Князевнинг рубоб прима учун “Концерт” каби ўнлаб асарларни айтиб ўтиш мумкин.

Шу билан бирга рубоб прима чолғусида жаҳон ва қардош халқлар композиторлари ижод намуналари юксак маҳорат билан ижро этиб келинмоқда. Хусусан Н.Паганининг “Венецианча карнавал”, К.Кужамьяровнинг “Концерт пьесаси”, Дител қайта ишлаган Рус халқ куйи “Коробейники”, Румин халқ куйи “Март хороводи” каби асарлар ижро репертуаридан мустаҳкам ўрин олди.

Шу ўринда “Сўғдиёна” халқ чолғулари камер оркестрининг кўп йиллик фаолияти ва Т.Жалилов номидаги Ўзбекистон халқ чолғулари давлат академик оркестри ўз ижро репертуари билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзбек халқ чолғулари, хусусан рубоб прима чолғусини тарғиб қилиб келаётганлигини таъкидлаш лозим. Бу оркестр таркибида хизмат кўрсатган артистлар, халқ артистлари, давлат мукофотлари соҳиблари фаолият кўрсатишган. Улар дунёнинг қатор мамлакатлари, жумладан Жанубий Корея, АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Россия федерацияси каби

катор мамлакатларда бўлиб, миллий ва жаҳон академик чолғу мусиқа асарларини кенг тарғиб этишган.

Бугунги кунда Республикамиз мусиқа коллеж ва лицейларида бир қанча рубоб прима сози мутахассислари, фидойи устозлар ушбу чолғу сирларидан ёшларга таълим бериб келмоқдалар. Булардан О.Акбаров (Тошкент), Б.Юсупов (Наманган), О.Хўжаев, А.Тўраев (Урганч), О.Аймбетов, Б.Эрниязов (Нукус), А.Омонов (Самарқанд), А.Юсупов, Н.Содиқова, А.Ирисов (Тошкент) каби устозларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги санъатининг ривожланишида турли конкурсларнинг ўрни бекиёсдир. 1971 йилда ўзбек халқ чолғулари ва баян ижрочиларининг республика кўригини ўтқизиш йўлга қўйилиб чолғу ижрочилигининг тараққий топишига тurtки бўлган бу танловнинг 1-кўриги Тошкент Давлат Консерваториясида А.И.Петросянц раислигида ўтди.

Миллий чолғуларимиз тараққий топиши, айнан рубоб прима созининг такомиллашиши йилдан-йилга бу чолғуга бўлган талаб ортиб бориши ҳамда ўқувчи ёшларнинг кўпайишига тurtки бўлган илк конкурс лаурятларининг ўрни бекиёсдир.

Моҳир созанда мақомига эришган бизнинг устозларимиз ҳақида алоҳида такидлаб ўтишни жоиз деб биламан. 1971 йил *“Ўзбек халқ чолғулари ва баян бўйича Республика созанда ва ижрочилар кўрик танлови”* рубоб прима йўналиши илк лауреатлари Абдусалом Маликов I-мукофот, Баходир Рахмонов III-мукофот, 1974 йил Шухрат Зияев I-мукофот, Тентимиш Муроталиев I-мукофот, Якуб Юнаев II-мукофот, Олег Силоамский III-мукофот, 1980 йил Мухиддин Отахўжаев III-мукофот, Абдурахим Мухамедов III-мукофот, 1984 йил Мухиддин Отахўжаев I-мукофот, 1988 йил Ойбек Самадов II-мукофот, 1992 йил Назира Турсунова III-мукофот, 1996 йил Фарход Саидов II-мукофот, 1997 йил Жўрабек Давронов I-мукофот, 2000 йил Фарход Саидов I-мукофот, Нодир Ибрагимов I-мукофот, 2004 йил Миркомил Мирхайдаров II-мукофот, Улуғбек Шарипов II-мукофотга сазовор бўлишган.

Ҳозирги кунга келиб айнан рубоб прима созида Халқаро миқёсдаги конкурсларда қатнашиб нуфузли ўринга эга бўлиб келаётган ёшларнинг ютуқларида шубҳасиз ана шу устозларнинг ўрни каттадир. Россия, АҚШ, Италия, Франция, Германия, Корея; қўшни давлатлардан Қозғистон, Тожикистон ва дунёнинг кўплаб бошқа давлатларида турли конкурсларда иштирок этиб нуфузли мукофотларни қўлга киритиб келаётган ёшларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Республикаимиз миқёсида танилган, рубоб прима сози чолғучилигида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган кўплаб чолғучилар ҳозирги кунга келиб ўқитувчилик фаолиятини юритиб, ёшларга таълим тарбия бериш билан қаторда ўқув қўлланмалар, китоблар яратиб келишмоқда.

Хусусан, Ниғматжон Шариповнинг “Рубоб-прима”, Аскар Дадамухамедовнинг “Рубоб прима дарслиги”, Олимжон Акбаровнинг “Педагогик амалиёт прима-рубоби”, Азат Гочбакаровнинг “Рубоб прима чолғу ижрочилиги”, Рустамжон Абдуллаевнинг “Рубоб прима садолари” Отабек Мискиновнинг “Рубоб прима наволари” номли китоб ва ўқув қўлланмалари бугунги кунда кенг қўлланилмоқда.

Шу билан бир қаторда мутахассислар томонидан бу чолғуда ўқитишга, унинг услубиётини ишлаб чиқишга бағишланган илмий изланишлар, ўқув услубий мақолалар яратилган ва нашр эттирилган.

Устозлар ва рубоб прима чолғусида мусиқий таълим. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик маданиятининг юксалиши, жаҳон классик мусиқаси намояндаларининг асарлари ўзлаштирилиши, ўзбек бастакорларининг халқ чолғулари учун махсус асарлар яратиш борасидаги фаолиятининг раvнақ топиши ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг янада юксалиши учун замин яратди. Шунингдек, юқори малакали илмий педагог кадрлар ва ижрочи мутахассслар тайёрлашдек муҳим вазифани кун тартибига қўйди.

1928 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги мусиқа ўқув юртларида, шу жумладан, 1936 йилдан Тошкент давлат консерваториясида ҳам бошқа халқ

чолғулари қатори рубоб прима чолғуси бўйича созандалар ва педагог кадрлар тайёрлана бошланди.

Консерватория таркибидаги ўзбек халқ чолғулари бўлимига ва оркестрга раҳбарлик қилиш, талабаларни саралаб олиш, ўқув режаларини тузиш мусиқа билимдони, маҳоратли дирижёр, мусикашунос олим, профессор А.И.Пётросянц томонидан амалга оширилди. Тошкент давлат консерваториясида ўзбек халқ чолғулари бўйича юксак ижрочилик анъаналарини шакллантириш ҳамда профессионал таълимни йўлга қўйишда В.А.Успенский, М.А.Ашрафий, А.И.Петросянц, И.П.Благовешенский, Б.Ф.Гиенко, Г.Г.Сабитовларнинг хизмати бекиёс бўлди.

Ашот Иванович Петросянц 1910 йил 10 майда Туркменистоннинг



Мари шаҳрида туғилган. У болалигидан жуда қобилиятли бўлиб, мусиқани теран ҳис этар, мактабдаги тўғаракларда фаол қатнашарди. 1928 йилда уларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келади. Мусиқага бўлган иштиёқи уни ўрта махсус мусиқа билим даргоҳига етаклайди ва у скрипка йўналиши бўйича ўқишга киради.

Таҳсил давомида истеъдодли ва ғайратли талабага ёшлар театрида мусиқий раҳбарлик ва дирижёрлик қилишдек масъулиятли вазифа ишониб топширилади. Мусиқий таълим даргоҳини тамомлаган А.И.Петросянц бу пайтга келиб скрипка, домбра, балалайка, гитара каби бир қатор мусиқа чолғуларида ижрочилик маҳоратини яхши ўзлаштирган эди. У 1936-1943 йилларда Тошкент давлат консерваториясида бастакорлик йўналишида таҳсил олади,

1954 йилда халқ чолғулари факултетининг дирижёрлик синфини тамомлайди. Талабалик чоғидаёқ мусиқа билим юртида педагоглик фаолияти билан шуғулланади. 1939 йилдан мусиқа билим юртида таҳсил берар экан, ўз атрофида ўзбек халқ чолғулари усталари ва ижрочиари В.Романченко, А.Кевкоянц, С.Диденко, У.Зупаровларни тўплаб, ўзбек халқ чолғу созларини

такомиллаштиришдек вазифани бажаришга киришади. Торли чертма созларининг товушқаторларига 12 босқичли температурашган хроматик тузилмаларни жорий қилиб, ўзбек халқ чолғу асбобларининг турдош оиласини яратади ва чолғучилик таълимини умум эътироф этилган нота тизимида ўрганишни амалга оширади.

1948 йилдан бошлаб А.Петросянц Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари кафедраси мудири вазифасида иш бошлайди. Шу йилдан бошлаб барча турдаги янги яратилган чолғуларда ҳам талабаларни ўқитиш бошланади

Ўзбек халқ чолғулари кафедрасида талабаларга най (сурнай, қўшнай) ғижжак (альт, бас ва контрабас), жарангли урма-торли асбоблардан чанг (прима, тенор ва бас), мизробли чолғулардан қашқар рубоби, рубоб прима, афғон рубоби, чертма чолғу созларидан дутор (тенор, прима, секунда, альт, бас, контрабас) ва урма-зарбли чолғулар ижрочилиги бўйича ҳам таҳсил бериш муваффақиятли йўлга қўйилади. А.Петросянц Ўзбекистонда биринчилар қаторида халқ чолғулари оркестрининг ташкилотчиси, дирижёри ва раҳбари бўлган. У раҳбарлик қилган даврда оркестрда чолғу созларининг турлари кўпайган ҳамда шу чолғулар бўйича малакали ижрочи созанда ва мутахассис кадрлар тайёрланган.

Бир неча йиллар мобайнида унинг раҳбарлигида ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштириш ва реконструкция қилиш борасида илмий тадқиқотлар ва амалий тажрибалар муваффақиятли олиб борилади. 1951 йилдан эътиборан у ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштириш бўйича тажриба лабораторияси мудири лавозимида меҳнат қилади. Фаолияти мобайнида ўзбек, туркман, қирғиз ва қорақалпоқ миллий созларининг 78 тасини такомиллаштириб, реконструкция қилишга, уларни юксак ижрочилик талабларига мувофиқлаштиришга эришади.

А.И.Петросянц 1970 йилда профессор илмий унвонини олади. У бадиий жамоаларда ишлаб катта тажриба ортиради ва ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик маҳоратини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

У.В.Марсинковский, Б.Гиенко, Г.Собитов, С.Диденко, Ш.Шоакрамов, А.Ашрапов, Н.Дорошенко, А.Левиев, Ф.Н.Васильев, М.Мирзаев, М.Тоиров, А.Бахромов каби кўплаб созанда, бастакор ва мусикашунос олимларни тарбиялаган. А.И.Петросянц умрининг охиригача шарафли ва сермашаққат педагогик фаолиятини олиб бориш билан бир қаторда, ўзбек халқ чолғуларининг ижро имкониятларини юксалтиришга, уларнинг бошқа миллат созларидан қолишмайдиган даражада мукаммал бўлишига эришди. Унинг бу хизматлари муносиб баҳолашиб, устоз 1950 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” фахрий унвонига сазовор бўлади. 1951 йилда Давлат мукофоти соҳиби, 1973 йилда Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонларини олган.

Игор Петрович Благовешенский мусиқа чолғушунослиги бўйича таниқли олим бўлиб, ўзининг бутун ҳаёти ва ижодини Ўзбекистон мусиқа санъати равнақиға бағишлаган.

У Тошкентдаги мусиқа билим юртида скрипка ихтисослиги бўйича таҳсил олади. Тошкентдаги таҳсилдан сўнг 1929 йили Санкт-Петербург консерваториясига ўқишга киради. Консерваторияда



И.А.Зелехман синфида таҳсил олиб мусиқий билимларини янада мукаммаллаштиради. У камонли чолғуларда ижрочилик тарихи ва назарияси кафедрасида аспирантурани профессор Б.А.Струве раҳбарлигида битиради. 1940 йилда санъатшунос илмий даражасини олади. Благовешенский Санкт-Петербург консерваториясида талабаларга торли камонли чолғуларда ижрочилик тарихи ва услубиётдан сабоқ беради. 1948-1952 йилларда Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси) ўзбек халқ чолғулари кафедрасида ўқитувчилик қилади.

У ғижжак, ғижжак-альт ва рубоб прима синфларида дарс берган илк устозлардан бири саналиб, педагогик фаолияти давомида жуда кўплаб моҳир созанда ижрочиларни тарбиялаган. Улар орасида ғижжакчи-созандалар

О.Холмухаммедов, М.Асилов, рубоб прима чолғуси ижрочилари А.П.Евдокимов ва В.Й.Борисенколар бор. Л.П.Благовешенский ўзбек халқ чолғуларида янги ижрочилик услубиётини яратган бетакрор устоз муаллимлардан биридир.



Рубоб прима чолғусининг моҳир ижрочиси, ўз касбининг фидойиси, камтарин устоз **Валентина Яковлевна Борисенко** ўз иш фаолиятини Ўзбекистон филармонияси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида созандаликдан бошлаган. В.Й.Борисенко 1939 йилда Тошкентдаги мусиқа билим юртининг ўзбек халқ чолғулари бўлимини битиради. 1948 йили Тошкент давлат консерваторияси ўзбек халқ чолғулари кафедрасига рубоб прима мутахассислиги бўйича ўқишга кириб, ўқишни И.П.Благовешенский синфида аъло баҳоларга битиради. Шундан сўнг у 1952 йилдан бошлаб рубоб прима ихтисослиги бўйича ўқитувчилик қилади. 1962 йили ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг доценти даражасини олади. Ўз педагогик фаолиятида кўплаб машҳур созанда-ижрочиларни тайёрлайди. Ҳозирги кунга қадар унинг шогирдлари республикаимизнинг барча вилоят ва шаҳарларида мусиқа таълимидан ёшларга сабоқ бериб келишмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси Халқ чолғулари кафедраси профессори, "Сўғдиёна" оркестрининг раҳбари, дирижёр Ф.Абдурахимова, моҳир созанда устоз А.Маликов, Б.Йўлдошев, М.Раҳимов, Ш.Жанайдаров, Б.Азимов, К.Айимбетов, Р.Оллаберганов, Т.Шодмонов, А.Дадамухаммедов ва бошқалар шулар жумласидандир. Эндиликда бу шогирдлар ҳам ёшларни профессионал даражадаги созанда ижрочи этиб тарбиялаган мураббийлар қаторидан жой олишган.

Аббос Баҳромов 1928 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У Тошкент давлат консерваториясини рубоб прима ихтисослиги бўйича 1953 йили А.И.Петросянц раҳбарлигида битиради, Иқтидорли ва серғайрат

бўлганлиги сабабли ҳали талаба бўла туриб, Ашот Иванович Петросянц раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида созандалик қилади.

1950 йилда оркестр ўзбекистонлик санъат усталари билан Хитой Халқ Республикасига гастрол сафарига боради. А.Баҳромов гастрол концертларида яққалон созанда сифатида турли халқларнинг миллий куйларини моҳирона ижро қилиб, Хитойнинг Шинжон уйғур автоном ўлкасидаги Урумчи, Қашқар, Хўтан каби бир қатор шаҳарларда мусиқа ихлосмандларининг юксак олқишларига сазовор бўлади.

Оркестр 1951 йилда Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлигида қатнашиш учун Москва шаҳрига боради. Концертларда А.Баҳромов ижро қилган асарлар кўп минг сонли мусиқа ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинади. У 1952 йили оркестр билан Украина ва Россиянинг кўпгина шаҳарларида бўлиб, ўзбек ва бошқа халқлар куйларини меъёрига етказиб ижро қилади. 1957 йилда Москвада бўлиб ўтган VI Бутунжаҳон ёшлар ва талабалар фестивалида юртимизда борган оркестр ижрочилари биринчи ўринни қўлга киритишади ва биринчи даражали диплом ҳамда олтин медал билан мукофотланишади.

А.Баҳромов рубоб прима чолғуси билан А.И.Петросянц раҳбарлигидаги таркибида Болтиқбўйи мамлакатлари, Украина, Белоруссия, Кавказorti ҳамда Россиянинг йирик шаҳарларида, шунингдек Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон республикаларида бўлиб ўтган санъат декадаларида қатнашади. У 1952 йилда Бухарестда (Руминия) ўтказилган Ёш ижрочиларнинг Халқаро



танлови ғолиби бўлади. Кейинги йилларда А.Баҳромов устоз-педагог сифатида фаолият юритади, бир қатор маданият йўналишидаги ўрта махсус ўқув юртлари ва болалар мусиқа мактабларида профессионал мусиқа таълимидан ёшларга сабоқ беради. А.Баҳромов бутун ҳаёти ва ижодини, истеъдодини ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг равнақига бағишлаган жонкуяр

устоз, фидойи санъаткор сифатида миллий мусикамиз тарихида ўз ўрнига эга педагоглардандир.

Абдусалом Маликов 1939 йилда Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги Оқтэр қишлоғида туғилган. Болалик давридаёқ зеҳни ўткир, қобилияти яхши бўлганлигидан турли халқ чолғуларини чалишга қизиқиши ортиб боради. Бу қизиқиши уни Тошкентга бошлаб келади. А.Маликов 1960 йили Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари кафедрасига ўқишга қабул қилинади. Консерваторияда рубоб прима мутахассислиги бўйича В.Борисенко синфида таҳсил олади. Талабалик пайтида ҳам у меҳнатсеварлиги жамоат ишларидаги фаоллиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Шунинг учун ҳам 1965 йили консерваторияни муваффақиятли битириб, фаолиятини Тошкент Маданият институтининг ўзбек халқ чолғулари кафедрасида ўқитувчиликни бошлайди.

1967 йили А.Маликовни Тошкент давлат консерваториясига ишга таклиф қилишади. А.Маликов умрининг охиригача халқ чолғулари кафедрасида рубоб прима ихтисослиги бўйича ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент сифатида талабаларга мураббийлик қилди. Шу билан бирга рубоб прима чолғуси бўйича бир неча қўлланма ва дарсликлар муаллифидир. Ўзбек бастакорларининг асарларини рубоб прима учун мослаштиришда ҳам унинг хизматлари беқиёс.

А.Маликов 1970 йилида ўтказилган I Республика халқ чолғулари ижрочилари кўрик-танловининг совриндори (биринчи мукофот соҳиби) бўлган. У ўзининг қисқа умри давомида кўплаб малакали ижрочилар тайёрлади. Шогирдлари орасида етук созанда ижрочилар, мусиқа мактабларининг раҳбарлари, ўзбек халқ чолғуларининг тарғиботчилари бор. Уларнинг барчаси бугунги кунда рубоб прима чолғу созида ижрочилик сирларини ўргатиш билан бир қаторда ўзбекистонда мусиқа таълими ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардир.

Устозларнинг юксак маҳорати, теран билимини пухта ўзлаштирган ва ўзи ҳам устозлик мақомига эришиб, кейинги йилларда мусиқа таълимидан

ёшларга сабоқ бериб келаётган, катта ва кичик сахналарда ўзбек ижрочилик санъати довуғини намойиш этиб танилган ижрочилар юртимизда талайгина.

Турсунова Назира Раҳматуллаевна 1968 йил 7 майда Наманган шаҳрида ишчилар оиласида таваллуд топган. 1975 йил ўрта мактабга қабул қилинган, 1978 йилда Наманган болалар мусиқа санъат мактабига рубоб прима мутахассислиги бўйича ўқишга кириб кўплаб концерт дастурларида иштирок этиб, турли конкурсларда қатнашиб фахрли I-II-III ўринларни қўлга киритган.



1983 йил мусиқа мактабини аъло баҳоларга тугатиб Наманган санъат билим юртига ўқишга кирган. Ўқиш давомида 1985 йи Республика кўрик танловида қатнашиб II-ўрин соҳибаси бўлган. 1987 йил ўқишни битириб 1988 йили Тошкент давлат консерваториясига қабул қилинган ва шу йилнинг ўзида Тўхтасин Жалилов номидаги Академик халқ чолғулари оркестрига олий тоифали созанда сифатида қабул қилиниб иш фаолиятини бошлаган. Ўқиш давомида Республика кўрик танловида фахрлий I-ўринни эгаллаган.

Иш жараёнида кўплаб вилоятларида гастрол сафарларида иштирок этиб (Хоразм, Бухоро, Қарши, Навоий, Сирдарё, Сурхандарё) рубоб прима созида аёллар ҳам чалишини ва ижро маҳоратини кўрсатиб кўплаб мухлислар олдида бу чолғуга бўлган қизиқишни уйғотган ва концертларда якканавоз ҳолатда ижро этиб маҳоратли созандалигини намоён қилган.

1991 йил Сўғдиёна камер оркестри ташкил этилди ва оркестрга моҳир созанда сифатида ишга қабул қилинди ва ўз фаолиятини ана шу оркестрда давом эттирди. 1993 йил консерваторияни битириб Сўғдиёна оркестри билан турли мамлакатларга гастрол сафарларига чиқиб миллий мусиқаларимиз ва миллий мусиқа чолғуларимиз дунё юзини кўришига ўз ҳиссасини қўшди.

Айнан шу оркестрда рубоб прима чолғуси такомиллашишига кўплаб ёшларнинг қизиқиши ортишига сабаб бўлди. Аёл созандалар сафи кенгайишига туртки бўлди. Сўғдиёна камер оркестри билан дунёнинг кўплаб давлатларида ижодий сафарлар уюштиришди, жумладан: Испания, Франция,

Миср Араб Республикаси, Германия, Америка қўшма штатлари, Корея ва бошқа кўплаб давлатларда бўлдилар. Ҳар бир концерт дастурларида ўзининг яқка созанда сифатида миллий мусикаларимиздан ижро этиб ўз маҳоратини оширди. Ҳозирда шарафли касб бўлган ўқитувчилик фаолиятини юритиб келаётган Назира Турсунова кўплаб шогирдларни ўз билимлари билан бойитиб, таълим-тарбия бериб, бу сознинг сирларидан вофиқ қилиб дарс бериб келмоқда. 2007 йил 3-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби, 2009 йилдан бошлаб айнан рубоб прима сози синфидан Тошкент Маданият коллежида ўқитувчилик фаолиятини юритиб келмоқда.



Ниғматжон Шарипов 1949 йилда Тошкент шаҳрида ишчилар оиласида туғилган. 1964-1968 йиллари Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида, 1968-1973 йилларда Тошкент давлат консерваториясида рубоб-прима мутахассислиги бўйича доцент Абдусалом Маликов синфида ўқиган. 1977-1978 йилларда ассистентура-стажировкани профессор Феоктист Никифорович Василев синфида ўтаган. 1975-1999 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, декан муовини, ўқув бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Шу йилнинг ўзида Ўзбекистон давлат Консерваториясида дирижёрлик, кейинчалик рубоб-прима мутахассисликлари бўйича педогогик фаолият олиб бориш билан бир қаторда, Республика методика ва ахборот маркази директори, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Таълим муассалари бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Н.Шарипов меҳнат фаолияти давомида “Рубоб-примада ижро этишни ўргатиш методикаси” (1991), “Рубоб-прима”(2002), “Хорижий мамлакатлар мусиқа адабиёти”(2006, таржима) каби рисоалар муалифидир. 1994 йилдан Н.Шарипов Ўзбекистон давлат консерваторияси Халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси доцент лавозимида ва ўқитувчилик фаолияти билан

шуғулланиб келмоқда. Н.Шарипов синфида таҳсил олган кўплаб шогирдлари ҳозирги кунда Республикамизнинг барча вилоятларида айнан мусиқа йўналишини давом эттириб, рубоб прима ўқитишни тарғиб қилиб келишмоқда.

Абдурашид Юсупов 1958 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Умумтаълим мактабида ўқиб юрган кезларида (1971-1972) йиллари унинг мусиқага бўлган кизиқиши “Пионерлар саройи” қошида очилган мусиқа тўғарагига етаклаб келади.



Рубоб прима мутахассислиги бўйича унинг биринчи устози М.Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясининг доценти Карим Азимовдир.

1973-1977 йиллари Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида, 1977-1982 йиллари М.Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясида рубоб-прима мутахассислиги бўйича устозлари Шухрат Зияев ҳамда В.Й.Борисенколар синфида таҳсил олади.

1976-1986 йилгача “Т.Жалилов” номидаги Академик халқ чолғулари оркестрида ишлаган. 1986 йилдан Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида рубоб прима мутахассислиги бўйича Бош ўқитувчи лавозимда ишлаб келмоқда. 2002 йилда рубоб прима синфи учун дастур ишлаб чиққан (5 синф - курсгача). Шу ўқув йиллар давомида 20 дан зиёд республика ва халқаро кўрик танлови ғолибларини тайёрлаган.



Озод Гочбакаров 1977 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош шаҳрида туғилган. 1983 йилда Н.Островский умумтаълим мактабида ўқийди. 1985 йилда П.Чайковский номидаги мусиқа мактабида ўқишини давом эттиради. 1991 йилда умумтаълим мактабини битириб, шу йили Нукус

санъат билим юртига рубоб прима мутахассислиги бўйича ўқишга кирган. 1995 йили билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаб, Т.Жалилов номидаги давлат академик халқ чолғу оркестрида ишлаган.

1997 йили Тошкент давлат консерваториясига бакалавр йўналишига ўқишга киради. 2001 йилда Шарқ мусиқаси факултетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, шу йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон давлат консерваториясининг магистратура босқичига қабул қилнади. 2004-2009-йиллар давомида Шарқ мусиқаси факултетига декан муовини лавозимида иш фаолиятини олиб боради. Хозирги кунда Шарқ мусиқаси факултетининг “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси катта ўқитувчи лавозимда иш фаолиятини давом еттирмоқда.



Адинамурат Хўжаев 1957 йилда Хоразм вилояти Урганч туманида туғилган. 1972-1976-йилларда Урганч шаҳар билим юртида о'қиган. 1976-1981-йилларда Тошкент Давлат Консерваториясида прима-рубоби мутахассислиги бўйича доцент Абдусалом Маликов синфида тахсил олган. Адинамурат Хўжаев 1978-1981-йилларда Тошкент шаҳар А.Авлоний махсус ўрта мактабда ўзбек халқ чолғулари оркестри тўғарак раҳбари вазифасида иш фаолиятини бошлаган.

А.Хўжаев 1981-йилдан буён Урганч санъат коллежининг ўзбек халқ чолғулари бўлимида прима-рубоби мутахассислиги бўйича ёшларга таълим

тарбия бериб келмоқда. Устоз ўзининг иш фаолияти давомида бир неча ўқув қўлланмалар ёзган ва Республика ёш ижрочилар кўрик-танловларида 1-2-ўрин ғолибларини тайёрлаб чиқарган.



Алишер Тураев 1972 йилда Хоразм вилояти Янгибозор туманида туғилган. 1983-1990-йиллари Р.Глиэр номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа

мактабида, 1990-1995-йилларда Тошкент давлат консерваториясида рубоб-прима мутахассислиги бўйича Асқар Дадамўхамедов синфида ўқиган.

1993-1996 йилларда Тошкент шаҳридаги 1-сонли мактабда мусиқа ўқитувчиси, 1996 йилдан М.Харратов номи мусиқа билим юртида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимда ишлаган. Кўплаб республика ёлиблари тайёрлаган. 2014-йил Петрозаводск шаҳрида ўтказилган Халқаро кўрик-танловда ўқувчиси Каримов Нодирбек 1-даражали диплом соҳиби бўлди,

Ўқитувчилар орасида Тураев Алишер Халқаро мусиқа кўрик танлови 3-даражали диплом соҳиби, лаурияти бўлди. 2006-йилдан ҳозирги кунгача А.Тураев Урганч санъат коллежида халқ чолғулари бўлимида катта ўқитувчи лавозимида ўқитувчилик фаолияти билан шуғилланиб келмоқда.



Шухрат Шодиев 1978 йил Қашқадарё вилояти Касби туманида ишчилар оиласида туғилган. 1992-йилда Р.Глиэр номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактабининг рубоб прима синфида ўқишга қабул қилинди. 1997-йили Наманган шаҳрида ўтказилган “15-Ёш ижрочилар” Республика танловида 2-ўрин соҳиби бўлди. 1999 йил эса Қарши шаҳрида ўтказилган “15-Ёш ижрочилар” Республика танловида 1-ўрин эгаллаб, Тошкент давлат консерваториясига имтиёзли ўқишга қабул қилинди. 2000 йилда “Баҳор” ансамбли қошида очилган “Мустафо Бафойев” номи оркестрда рубоб-прима чолғуси бўйича созанда сифатида ишлаган. 2007-2011 йилларда “Навроз садолари” 1, 2, 3, 4-республика халқ чолғулари кўповозли ансамбллари фестивалида “Соғлом авлод учун” Халқаро жамғармасининг махсус совғаси ҳамда дипломи билан тақдирланади.

2012 йилда эса “Наврўз садолари” 5-республика халқ чолғулари кўповозли ансамбл ва оркестрлар фестивалида 3-даражали диплом билан тақдирланган. 2005 йилдан ҳозирги кунгача Ш.Шодиев Қарши санъат коллежида ўқитувчи вазифасида иш фаолиятини давом эттирмоқда.

Умуман, республикамизда рубоб прима чолғуси амалиёти ва уни ўқитиш борасида амалга оширилаётган ишлар уни янада жадаллаштиришни талаб этади. Муסיқа ва санъат мактаблари, лицейлари ва муסיқа таълими тизимининг бошқа барча муассасаларида яхлит ҳолда ташкил этиладиган рубоб примани ўқитиш ва унинг ижро амалиётини ривожлантириш бўйича тадбирлар яқин келажакда бу сознинг янада кенг оммалашишига олиб келишига шубҳа йўқ.

Кейинги параграф рубоб прима учун ёзилган ва мослаштирилган муסיқа асарларини ижро этиш хусусиятларининг қиёсий таҳлилига бағишланган.

2.2. Рубоб прима учун ёзилган ва мослаштирилган муסיқа асарларини ижро этиш хусусиятлари ва ундан кўзланган мақсад (қиёсий таҳлил)

Рубоб прима учун мамлакатимиз композиторлари томонидан ёзилган бир нечта асарлар мавжуд, бироқ, мослаштирилган муסיқа асарлари анча кўп бўлиб, улар турли созандалар томонидан ижро этиб келинмоқда.

Жумладан, Наманган санъат коллежи ўқитувчиси Рустамжон Абдуллаевнинг “Рақс” куйи ўзига хослиги, рубоб прима созининг техник имкониятларини янада намоён этишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Асар *allegretto* ижро суръатида, 6/8 чоракли ўлчовда, жонли, қувноқ ёрқин кайфиятда ижро этишга мўлжалланган. Муаллиф асар мавзусини рақсбоп характерда акс эттирган, шу боис, уни ижро этганда, ижрочида алоҳида кўтаринки кайфият ҳосил қилади. Асар ижросида дастлабки ноталардан бошлаб, нафис, латофатли оҳанглар таралади.

RAQS

Allegretto
(O'rtacha tez)

Rustamjon Abdullayev



Мен, Умарова Мафтуна ўзимнинг диссертация тадқиқотим доирасида Р.Абдуллаевнинг мазкур “Рақс” куйини рубоб прима триоси учун мослаштирдим. Асарни мослаштириш жараёнида унга иккинчи ва учинчи овозлар партиясини қўшдим, натижада асарнинг драматургияси анча бойиди, оҳанглар гармониясини бойитишда терция, квинта ва октава интервалларидан фойдаландим, натижада овозларнинг янада ранг-баранглигига эришилди.

RAQS

R. Abdullayev
Rubob-prima triosi uchun
M. Umarova moslashtirgan

1 Allegretto

The musical score is written for three rubob parts (I, II, III) and piano accompaniment. It is in 6/8 time and D major. The first system (measures 1-5) starts with a forte (f) dynamic for the rubob parts. The second system (measures 6-10) includes piano (p) dynamics for the rubob parts. The third system (measures 11-15) includes forte (f) and fortissimo (ff) dynamics for the rubob parts. The piano accompaniment provides harmonic support throughout.

Copyright ©DinO 95 PriMaCh

Триода ҳар бир овоз учун унинг йўналганлигини алоҳида таҳлил қилиб, гармония талабларига мос ҳолда чолғулаштиришга ҳаракат қилдим. Ўқувчи-шогирдларим ижросида асарни тайёрладим ва мактабимиз бадиий тадбирига олиб чиқдик. Ушбу асар тингловчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Мазкур асар мисолида шуни айтиш лозимки, оригинал “Рақс” асари ва унинг мослаштирилган варианты қиёсий таҳлилга жалб этилганда, уларнинг иккинчи варианты анча бадий–эстетик жиҳатдан бой ва ранг-баранг чиққанлиги тингловчилар томонидан эътироф этилди.



Юқоридаги парчада келтирилган муסיкий материал асарнинг кульминацион нукталарига тегишли бўлиб, уларда нимчорак ва ўн олтиталик ноталар, шунингдек нуктали ноталар комбинациясидан самарали фойдаланилганлигини кўриш мумкин.

Мен, қайта ишлаш жараёнида ушбу парчани уч овозга мослаштирдим ва ўқувчиларим уни муваффақиятли ижро этишди. Ижро жараёнида ўқувчиларнинг ҳарбири ўзининг овоз партиясини пухта англаган ҳолда, кувноқ кайфиятда ижро этишларига эришдим.

49

5

R.p. I

R.p. II

R.p. III

p

p

f

54

R.p. I

R.p. II

R.p. III

Юқорида ушбу мослаштирилган вариантдан парча келтирдик, бунда ҳар бир овоз партиясининг куй йўналганлиги, товушлар ҳаракати ва интервал муносабатлари яққол намоён бўлиб турибди.



Юқорида келтирилган сураатлар менинг ўқувчиларим бўлиб, улар “Рақс” асарини трио бўлиб ижро этишди. Асар бир неча марта мактабдаги турли бадий тадбирларда ижро этилди, конкурсда олқишларга сазовор бўлиб, иккинчи даражали дипломга эга бўлишди.



Юқоридаги расмда “Рақс” асарини трио бўлиб ижро этишган ва конкурсда фахрли ўринни эгаллаган ўқувчиларимнинг мукофотланиш жараёнини кўриб турибсиз.

Феликс Мендельсон қаламига мансуб скрипка ва оркестр учун e-moll Концерт композиторнинг энг мукамал концерт асарларидан бири бўлиб, у орқали композитор симфоник оркестрга ва унинг ижровий имкониятларига яна бир бор назар ташлаганлигини кузатиш мумкин. Биз ушбу асарнинг 3-қисмини ўзбек халқ чолғулари оркестри ва рубоб прима учун мослаштирдик ҳамда оркестр билан тайёрлаяпмиз.

Асар техник жиҳатдан анча бой, ижрочини ўз устида ишлашга ундайдиган асар бўлиб, унинг кириш қисми тўлиқ концертнинг мазмунини

қисқа шаклда ўзида акс эттирган, унда якканавоз чолғу бу рубоб прима сози бўлиб, унинг ижросида ўзига хос овоз тембри, садоланиши кузатилади.

Чолғуда асар мавзусини етказиб бериш катта маҳоратни талаб этади, чунки, асар камон билан эмас, мизроб билан ижро этилади.



Асар ижросида треллар, форшлаг, легато, нуктали ноталар, жадал ўзгарувчан альтерация ва тоналликларни кузатиш мумкин, бу ўз навбатида асар ижросида маълум қийинчиликларни ҳосил қилади. Асар тўлиқ ҳолда яхлит драматургияга асосланган бўлса-да, кириш қисмининг мавзу материали учинчи қисмга ҳам тегишли оҳанг ҳаракатларини ҳосил қилганлигини кузатиш мумкин.

Мен, ушбу асар оркестр ва скрипка чолғуси учун ёзилганлигини инобатга олиб, унинг кириш қисмини фақатгина камонли чолғулар қисмига бердим. Сабаби, овоз тембри ва диапозони жиҳатидан рубоб прима скрипка чолғусига ўхшаса-да, мизроб билан ижро этилиши унинг асардаги ҳақиқий характерни тўлиқ очиб бериш имконияти камроқ, шунинг учун мен асосий

мавзуни янада тўлиқроқ очиб бериш учун оркестрнинг камонли-торли бўлимига бўлиб бердим.

Натижада оркестр ва якканавоз рубоб приманинг ижровий имкониятлари янада ёрқинроқ намоён бўлди, асар мазмуни ва унинг драматургиясини ифодалаш имкониятлари кенгайди. Буни биз ижро жараёнида амалий жиҳатдан кузатдик.

The musical score is presented in two systems. The first system includes parts for Solo, G'ijak I, G'ijak II, G'ijak alt, G'ijak bass, and G'ijak contrabass. The second system includes parts for Solo, G'.I, G'.II, G'.a, G'.b, and G'.kb. The score features various musical notations including dynamics (mf, p, cresc., sf, dim., pp), articulation (accents, slurs), and a key signature change to three sharps in the second system.

Юқорида рубоб прима ва оркестр учун мослаштирилган Феликс Мендельсон Бартольди концертининг кириш қисмидан парча келтирилган бўлиб, унда айнан рубоб приманинг ижровий ва техник имкониятларини назарда тутган ҳолда иш олиб бордик. Натижада ижро жараёнида оркестр ва

рубоб прима сози ижросининг ёрқин гармониясини, ундаги товушларнинг бир-бирига уйғунлашиб боришини кузатиш мумкин бўлди.

Мазкур концертнинг *Allegro molto vivace* экспозиция қисмида келтирилган куйидаги парча – асар скрипка ва оркестр учун ёзилганлигини инобатга олган ҳолда, рубоб прима созида ижро этиш маълум қийинчиликларни юзага келтиради. Бу парча камон билан эмас, медиаторда ижро этилганлиги сабабли техник жиҳатдан анча мураккаб ижровий ҳаракатларни талаб этади.

Шу қисм ижросини енгиллаштириш мақсадида арпеждио ҳолатида тегишли нготалар парчаларини босган ҳолда симларни бирин-кетин пастга ва юқорига сирғалтириб, худди скрипка камонида чалгандек товуш чиқарамиз. Ўн олтиталик ноталарни асарнинг ўз ижро суръатида (метроном бўйича) чалиш имкони чекланганлиги сабабли юқоридаги ҳолатда ижро этамиз. Бу асарнинг партитураси иловада келтирилди (Илова №0).

The image displays a handwritten musical score for a Rubob Prima Sazi piece. The score is written on two systems, each with a treble and bass staff. The key signature is three sharps (F#, C#, G#). The first system begins with a treble staff containing a series of eighth and sixteenth notes, with a dynamic marking of *f* (forte). The bass staff contains a series of chords and single notes. The second system starts with a treble staff featuring a series of eighth notes, with a dynamic marking of *più f* (più forte). The bass staff contains a series of chords and single notes. The score includes various musical notations such as slurs, ties, and dynamic markings like *cresc.* (crescendo) and *ff* (fortissimo). A box containing the number 29 is visible in the second system. The score is handwritten and appears to be a personal or working manuscript.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда рубоб прима сози ўзбек халқ чолғулари оркестри таркибида, шунингдек, якканавоз чолғу сифатида кенг имкониятларга эга. Бу созида нафақат миллий асарлар, балки жаҳон классикларининг энг сара, мураккаб асарларини ҳам ижро этиш имкони мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Муסיқа таълимининг барча бўғинларида рубоб прима созининг ўқитилиши, уни ўрганиш билан боғлиқ жараёнлар бугун ўзининг юқори даражасига чиққанлигини кузатиш мумкин. Бу эса истиқболда рубоб прима сози нафақат миллий, балки умумжаҳон мумтоз муסיқа асарларини ижро этиш, уни жаҳон сахналарига ўзига хос овоз тембри, садоланиши орқали етказиб беришда кенг имкониятлар яратишига ишонамиз.

Кейинги параграфда рубоб прима сози ўқитилиши билан боғлиқ услубий масалалар тавсифини келтирдик.

III БОБ. РУБОБ ПРИМА СОЗИ ТАЪЛИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

3.1. Рубоб прима сози ўқитилиши билан боғлиқ услубий масалалар тавсифи

Бугунги кунда мамлакатимизда мусиқа санъати таълими, хусусан болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти кундан-кунга ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Натижада ёшлар орасидан иқтидорли, юксак мусиқий қобилиятларга эга бўлган ёш рубоб прима ижрочилари чиқиб, ўз имкониятларини намоён этишмоқда.

Мусиқа ва санъат мактабларида ўқитиш тизими такомиллаштирилган ўқув-услубий ҳужжатлар асосида, яъни, ўқув режалари ва дастурлари асосида ташкил этилган. Асосан, кўплаб фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар мавжуд бўлиб, болаларнинг талаб даражасида билим олишларига имкон яратади.

IX-XVII асрларда яшаб ўтган Ўрта Осиё олимларининг рисоаларида мусиқий чолғуларнинг тавсифини, машҳур мусиқачилар номларини, машҳур мусиқий асарлар номларини учратиш мумкин. Ўзбек анъанавий мусиқасини йиғиш ва ўрганиш XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, кенг миқёсда олиб борила бошлади. Бу ишларни асосан ҳарбий капелмейстерлар олиб боришган. Улар оркестрда ишлаш билан бирга, этнографик фаолият билан ҳам шуғулланишган. Биринчи навбатда, булар А.Эйхгорн ва Ф.Лейсеклардир.

Халқ чолғуларини йиғиш ва ўрганиш бўйича олиб борилган ишларда машҳур композитор, этнограф ва педагог В.Успенский чуқур из қолдирган. Унинг фаол иштироки ва ҳаракати натижасида 1919 йили Тошкентда мусиқий-этнографик бўлим очилади ва у бу бўлимга раҳбарлик қилади. Бу бўлим олиб борган ишлардан бири халқ чолғулари коллекциясини йиғиш ва уларнинг ижрочилик имкониятларини ўрганиш бўлди.

Ўзбек мусиқасини ўрганиш тарихида кенг қўламдаги олим, истеъдодли фольклорчи, педагог В.Беляевнинг хизматлари ҳам каттадир. Мусиқа назариясини ўрганишда В.Беляев Шарқ олимларининг мусиқа ҳақидаги

рисолалари аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтади. Унинг ўзбек халқ чолғулари ривож тарихи бўлимида олиб борган изланишлари, уларни синфлаштириш ва ўлчаш ишлари катта қизиқиш уйғотади. 1933 йили Москвада В.Беляевнинг «Ўзбекистон мусиқий чолғулари» номли китоби нашр қилинади. Унда 50 дан ортиқ чолғуларнинг тавсифлари берилган.

Халқ чолғуларини қайта таъмирлаш ва такомиллаштириш натижасида товуш ҳосил қилишнинг техник усуллари, янги ижрочилик кўникмалари ишлаб чиқилди. Чолғуда ижронинг эшитиш услубидан нота ёрдамида ижро услубига ўтилиши ўқув репертуари устида кўп ишлашга, халқ чолғуларида ижро мактабларини ташкил қилишга олиб келди.

Халқ чолғу ижрочилари бўйича таълим беришнинг услубий ва дидактик асосларини ишлаб чиқиш худди шу йўналишда олиб борилди. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон давлат консерваторияси «Халқ чолғуларида ижрочилик» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан бир қатор фундаментал дарсликлар, ўқув қўлланмалар, тўпламлар чоп этирилди. Халқ чолғуларида ижрочилик мактаблари пайдо бўлди. Шу билан бирга, халқ чолғулари оркестрини ташкил қилиш ва ишлаш бўйича ўқув қўлланмалар тайёрланди.

Шундай қилиб, халқ чолғулари йўналиши бўйича мусиқий таълимнинг бошланғич бўғини учун таълим асослари шаклланди. Ҳар қандай талаба бутун ўқув йили мобайнида етарли миқдорда кенг умумтаълим ва касбий билимларга эга бўлиши керак. Чунки, ҳаммамизга маълумки, кўпгина битирувчиларимиз ўз ҳаётларини педагогик фаолият билан боғлайдилар. Бу эса психология, педагогика, ижрочилик услубиёти бўйича яхши тайёргарликни, кенг дунёқарашга эга бўлишни талаб этади. Аммо шу пайтгача педагогика тамойилларига асосланган, таълимнинг ўзига хослигини очиб берувчи, ижрочилик маданияти ютуқларини ифодалаган умумий ва шахсий услублар янада такомиллаштиришни талаб этади.

Нашр қилинган кўпгина дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда илғор педагогик тавсиялар ва кўрсатмалар бериш масаласи ҳам ривожлантиришни

тақозо этади. Барча тавсиялар чолғуда ижро ҳолатига, товуш ҳосил қилишнинг техник услубларига, ижрочиликни эгаллашга доир бўлиб, ўқув-тарбиявий жараён ва педагогик этика масалалари ҳам бирмунча ёритилган.

Лекин таълимда услубиёт ва янги педагогик технологияларни кенг жорий этиш, таълимнинг тарбиявий аҳамияти, ғоявий-маърифий йўналиши, илмийлиги ва шу каби долзарб масалалар нисбатан ўртача даражада ёритилади. Олий ўқув юртларида бундай услубиётнинг ишлаб чиқилмаганлиги ижрочилик санъати бўйича таълимнинг сифатига, педагогик тайёргарлигига салбий таъсир этади.

Халқ чолғуларида ижрочилик услубиётини такомиллаштиришни куйидаги асосий босқичларга бўлиш мумкин:

- замонавий умумий ва мусикий педагогика, психология ва дидактика масалаларини чуқур ўрганиш;
- махсус услубиётлар натижаларини, дарс бериш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш;
- олдинги мактаблар ҳамда йўналишларни танқидий таҳлил қилиш, бунинг натижасида замонавий таълим ривожини таъминлашнинг ишлаб чиқишдан иборат.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлашимиз керакки, бугунги кунда замонавий талабларга жавоб берувчи ўзбек халқ чолғуларини ўқитиш услубиётини, таълимнинг ҳар бир босқичига (бошланғич, ўрта, олий) алоҳида, ўзига хос равишда ёндашиб, келажақда янги авлод ўқув адабиётларини яратган ҳолдагина касбий тайёргарликнинг сифати ва ривожини таъминлашимиз мумкин.

Биринчи навбатда мусиқа мактаблари, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун замонавий ўқув дастурлари яратиш, уларнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш, ижрочилик маданиятини юқори савияда тарбиялаш масалаларини ҳал этишимиз лозим бўлади. Умуман олганда, бугунги кунда ўзбек халқ чолғуларига бағишланган бир қанча ўқув-услубий ва услубий адабиётлар нашр этилган. Шунга қарамасдан, янги, илғор иш

узулларини ўзида акс эттирган, инновацион ёндашувдаги ўқув адабиётларини яратишга катта ижтимоий эҳтиёж мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги тизимидаги Олий ўқув юртларида, маданият, санъат ва мусика коллежларида, махсус академик лицейларда ҳозирги даврда турли чолғулар бўйича ўқитиш ишлари олиб борилади. Бу ўқув ва тарбиявий йўналишда, ҳар бир ихтисослик фанлари бўйича ўқитувчининг вазифаси - бўлажак созанда-ижрочини чолғуда ижрочилик кўникмаларига ўргатибгина қолмай, балки ўзлаштирилаётган асарни ҳам техник, ҳам бадиий жиҳатдан чуқур ҳис қилиш, дунёқарашини шакллантириш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Бунинг учун эса, ўқитувчилик фаолиятининг тўғри ташкил қилиниши муҳим омил ҳисобланади. Машғулотларда асардаги ҳар бир товушга, ҳар бир техник ижрочилик услубига алоҳида эътибор берилиши асарнинг шаклини, мазмунини, моҳиятини, бадиий хусусиятларини чуқур ўрганиши, билиши ва пировардида, асарни юқори даражада маҳорат билан ижро этиши - бу ёш созанда-ижрочи дунёқарашларининг ёрқин ифодасидир.

Ҳозирги вақтда халқ чолғуларида ўқитиш услубиётининг асослари етарли даражада ишлаб чиқилган бўлиб, ўқитувчилар учун амалий фаолиятда асос бўла оладиган, ҳар бир чолғунинг тарихи, ижрочилик ҳолатлари, ижро услублари ҳақидаги маълум вазифа ва тавсиялар дарсликларда, ўқув қўлланмаларда ҳамда тўпламларда мавжуддир. Дарсликларда ва ўқув-услубий адабиётларда халқ чолғулари синфида дарс берувчи ўқитувчи-ижрочилар учун замонавий талабларга мос касбий ўқитиш, ижрочиликнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш муаммолари маълум даражада ўз ечимини топган.

Бугунги кунда рубоб прима сози бўйича Тошкент шаҳридаги 10-мактабда 1 нафар, 29-мактабда 1 нафар, Ўрта Чирчиқда жойлашган БМСМда 1 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Тошкент шаҳри бўйича **30** та БМСМ, Тошкент вилоятида эса **33** та БМСМ мавжуд бўлиб, ушбу БМСМларда ҳозирги кунда рубоб прима ўқитувчилари етишмайди.

Ўқитиш, рубоб прима чолғусида ўргатиш бўйича республикамиз БМСМларида турли постановкалар (ўтириш ҳолати) қўлланилади. Ҳозирги кунда энг тўғри постановка Тошкент шаҳри постановкаси бўлиб ҳисобланади, вилоятларда – Наманган, Қорақалпоғистон ва бошқа қатор вилоятларда постановка нисбатан пастроқ даражада қўйилади, уларда оёқлар бошқача тарзда жойлаштирилади.

Қўшни Тожикистонда ҳам рубоб прима чолғусини ўқитиш йўлга қўйилган бўлиб, уларда постановка тикка ҳолатда ва елка қисми дастадан баланд ҳолатда қўйилган бўлиб, бу ижро жараёнида маълум қийинчиликларни ҳосил қилади. Тожикистон, Душанбе шаҳридаги М.Турсунзода номи Санъат ва маданият институтида А.Абдуллоев ва А.Амановлар томонидан “Мақтаби дарси рубоби прима” номи ўқув қўлланмаси 1982 йилда нашр этирилган бўлиб, рубоб прима чолғусини ўқитиш анча тараққий этганлигини кузатиш мумкин.

Маълумки, ҳар бир чолғу ўз шакли ва конструкциясига эга, чолғуларда ижро услублари турлича, аммо ижрочининг техникасини шакллантириш асосида қўл ва бармоқлар ҳаракати ётади. Бу эса елкага, гавдага, оёққа, қўл ва бармоқлар ҳаракатига боғлиқ. Масалан, чанг чолғусида ижро техникасини шакллантиришда бармоқлар тезкорлиги устида ишлашнинг кераги йўқ, доира ижрочилигида эса, аксинча, қўл ҳаракатлари бошқа кўринишда бўлади.

Мизробли чолғулар ижрочилигида чап қўл бармоқларининг ҳаракати горизонтал кўринишда, камонли чолғулар ижрочилигида эса вертикал кўринишда олиб борилади. Шунинг учун ижрочилик ҳаракатлари шаклланиш тамойилларини ҳар бир чолғуга нисбатан ўзига ҳослиги билан алоҳида, батафсилроқ кўриб чиқиш керак.

Чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёни ўқувчилар томонидан ижро асосларини онгли равишда пухта эгаллаш, ижро учун зарур бўлган кўникмаларни ҳосил қилиш ва уларни амалда қўллай олиш ҳамда мустақил ижодий фикрлаш ва кузатиш қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек,

эстетик дидни шакллантиришга қаратилган. Ижро этишни ўргатиш жараёнининг қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган қисмлари мавжуд:

а) Таълимнинг мазмуни, яъни ижро этишни ўргатиш учун зарур бўлган маълумотлар;

б) таълим бериш (ўргатиш), ўқитувчининг ўқувчиларда билим олишга бўлган эҳтиёжларини уйғотиш, ижро этишни ўргатиш билан боғлиқ бўлган маълумотларни баён этиш, ўқувчиларнинг мустақил машғулотларига раҳбарлик қилиш, ўзлаштирилаётган билим ва кўникмаларни назорат қилиб бориш;

в) ўрганиш - ўқувчиларнинг билим олишлари билан боғлиқ бўлган ўқув фаолиятлари, бунга ақлий ва жисмоний ҳаракатлар киради;

г) ўқув воситалари - бунга дарсликлар, қўлланмалар, чолғу асбоби, нотали услубий кўрсатмалар ва ҳоказолар киради.

Энди чолғуда ижро этишни ўргатишнинг қуйидаги вазифаларини кўришимиз мумкин:

- рубоб-примада ижро этишни ўргатишнинг асосий мақсадини аниқлаш ва асослаш;

- ўргатиш мазмуни ва таркибий қисмларини аниқлаш ва уларни мунтазам равишда такомиллаштириш;

- ўргатиш жараёнида таълим-тарбия ва ўқувчи шахсини ривожлантириш.

Ижро этишни ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг маълум билимларга эга бўлишлари қай даражада дарс бериш билан боғлиқ эканлигини аниқ кўрсатиб бериш қийин. Лекин бундай боғлиқлик мавжуд экан, ўргатиш услубиётининг мақсади шу масалани ойдинлаштириш, идрок этиш ва илмий жиҳатдан кўрсатиб беришдир.

Таълим ва тарбия умуман жуда мураккаб жараён бўлиб, унинг йўналишига кўплаб омиллар таъсир этади. Таълим бериш билан ўрганиш ҳаммавақт ҳам бир хил натижа беравермайди. Ўргатиш услубиётининг долзарб масаласи - ўргатиш ишининг тузилиши ва мазмунини аниқлаб, уларни мунтазам равишда такомиллаштириб боришдан иборат.

Ижро этишни ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг ақлий ва ижодий қобилияти, иродаси ҳамда унинг камолоти учун зарур бўлган бошқа сифатлар ҳам ривожланиб боради. Ўқувчида билим ва кўникмаларнинг мужассамланиши аста-секинлик билан амалга ошади. Шу сабабдан ижро этишни ўргатишнинг фақат қисқа вақт ичидаги натижаси билан танишиш етарли бўлмай, балки ўргатиш ва ўрганишнинг барча босқичларини кузатиш керак бўлади. Халқ чолғуларида ижро этишни ўргатиш объектив жараён бўлиб, у маълум даражада шу соҳадаги йиғилган тажриба ва ютуқлар билан боғлиқдир.

Бошқа фанларда бўлганидек, ижро этишни ўргатиш услубиётида ҳам мусиқа бўйича умумий билим бериш, ўргатишнинг услублари, ўргатиш жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш каби масалалар кўрилади.

Чолғуда ижро этишни ўргатишнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни танладик:

1) ижро этиш асосларини ўзида мужассамлаштирган билимлар тизими билан ўқувчиларни таништириш, чолғуда ижро этиш учун зарур бўлган маълумотлар, усул ва услублар, товуш ҳосил қилиш кўникмалари, мусиқа асарини ўрганиш ва ижро этиш услубиётини амалда қўллай олиш;

2) чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг эслаб қолиш қобилиятларинигина эмас, балки мустақил фикрлай олиш ва ижодий қобилиятларини бойитиш;

3) ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш;

4) ижро этишни ўргатиш жараёнида маънавий ҳамда эстетик тарбияни амалга ошириш;

5) ўқувчиларнинг умумий мусиқий тарбиясини амалга ошириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш. Бу вазифаларни алоҳида, бир-биридан ажралган ҳолда ҳал этиб бўлмайди. Уларнинг барчаси таълим жараёнида бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Ўқув материалларини танлаш билан ўргатишнинг зарурий услубларини қўллаш орқали чолғуда ижро этишни ўргатиш олдига қўйилган вазифаларни ижобий ҳал этиш мумкин.

Рубоб примада ижрочилик санъати сирларини ўрганишда бошланғич даврнинг ўзидаёқ - ўтириш ҳолатларига, ижро кўникмаларига ва чолғунинг ўзига хос услубларини эгаллашга муҳим аҳамият берган ёш созанда-ижрочининг келажаги порлоқдир. Шунингдек, ижрочи мусиқий асарни ўзлаштиришда, унинг бадиий жиҳатларини рўёбга оширишда албатта, мусиқани эшитишга, асарнинг динамикасига, интонациясига алоҳида эътибор беришлиши лозим.

Ижро этиш услублари мусиқа педагогикасида бадиий штрихлар ҳам деб аталади. Бу услублар асосан мусиқий фикрнинг характерини очиб беришга хизмат қилади. Шу сабабли ёш созандалар ижро этиш услубларини мукаммал ўзлаштиришлари келажакда уларнинг моҳир созанда бўлиб етишишларида катта аҳамиятга эга. Қуйида рубоб-примада қўлланиладиган ижро этиш услубларига тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

Стаккато услубида ижро этиш медиатор зарбидан кейин пардадаги бармоқни тезлик билан кўтариш орқали амалга оширилади³.



Бунда тор шу лаҳзанинг ўзида жаранглашдан тўхтайти ва товушлар қисқа — “сакратма” характерда бўлади. Нисбатан жадал тезликда чалинадиган асарларни бундай услубда ижро этиш имконияти бўлмайди ва бу ҳолда товушнинг қисқалигига тезлик ҳисобига еришилади. Ёзувда стаккато белгиси нотанинг пастига ёки юқорисига нуқта қўйиб белгиланади:

Легато — товушларни бир-бирига боғлаб чалишни билдиради. Рубоб-примада ушбу услуб асосан рез (тремоло) билан амалга оширилади ва лига

³ Шарипов Н. Рубоб-прима. Мусиқа ва санъат коллежлари ва лицейлари учун ўқув қўлланма. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи. 2003, –Б.104.

белгиси тугаган жойда рез тугатилади. Резни медиаторнинг юқорига йўналтирилган ҳаракати билан тўхтатган маъқул. Рубоб-прима ва бошқа мезробли халқ чолғуларида ўрганишни бошлаётган ёш созандаларда рез усулини — пастга ҳаракат билан тўхтатиш ҳолини тез-тез учратиб турамыз. Бу кўп тарафдан нотўғридир.

Биринчидан, ҳар қандай товушнинг бошланиши тугашига қараганда бир-мунча кучлироқ бўлади ва тугаши эса бошланишига нисбатан кучсизроқдир. Рез усулини пастга ҳаракат билан тугатганда товушнинг охири пастга ҳаракат ҳисобига кучаяди. Иккинчидан, рез пастга ҳаракат билан тугаганда одатда битта ортикча зарб ижро этилади. Худди мана шу охириги ошиқча зарб кучли (акцентли) бўлади. Бу эса товушнинг табиий ижро этилиш қонуниятига зиддир.

Рубоб-примада легато услубини ижро этишда яна бир хусусиятга эътибор бериш лозим. Бу хусусият тордан-торга ўтиб чалишдир. Легато белгиси қўйилган мусиқа асарини тордан-торга ўтиб ва шу билан бир қаторда товушларни бир-бирига улаб чалишга эришиш ижрочидан катта маҳоратни талаб этади. Сабаби, медиаторнинг бошқа торга ўтиш пайтида товушда «узилиш» пайдо бўлади ва легато белгиси қўйилган мусиқий фикр бўлиниб қолади.


Бундай ҳолларда имконият борича яхлит мусиқий фикрни бир торнинг ўзида ижро этишга ҳаракат қилиш керак. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда тордан-торга ўтиб ижро этиладиган жойни махсус машқлар ёрдамида такрорлаб, «узилишни» сезилмайдиган даражагача етказилади.

Кичик чўзимдаги (саккизталиқ, ўн олтиталиқ) ноталар ёзилган жадал асарларда ҳам легато белгиси қўйилган бўлиши мумкин. Бундай асарларда ҳамма товушларни рез услуби билан чалиб бўлмайди. Бинобарин, бундай ҳолларда пастга ва юқорига йўналтирилган зарблардан фойдаланиб, уларнинг уланишига эътибор бериш керак.

Легато белгиси ёзувда ёйсимон чизик билан белгиланади:




Глиссандо — бир товушдан иккинчисига сирғалиб ўтиш услубидир.



Бир товушдан иккинчи товушга сирғалишнинг тезлиги бир маромда бўлиши ва иккинчи товуш ўз вақтида чалиниши керак. Бундан ташқари, сирғалиш пайтида товушнинг жаранги ҳам сўнмаслиги зарур. Сирғалишни кучли бармоқ билан амалга ошириш маъқул. Ля ва Ми торларида бармоқнинг тирноғи симни пардага босиб сирғанади. Ре ва Соль торларида эса бармоқ оддий ҳаракатланади.

Мелизм — французча сўз бўлиб, безак маъносини англатади.



Форшлаг — шундай безак тури бўлиб, унинг икки хили бор. Биринчиси, чизикчали форшлаг олдинги чўзим ҳисобига ижро этилади.

Иккинчиси, чизикчасиз форшлаг асосан Ғарбий Европа классик композиторларининг асарларида учрайди ва кейинги товуш чўзими ҳисобига ижро этилади.

Ўзилиши:




Ижроси:



Мордент - асосий товушни юқоридаги ёки пастдаги товуш билан олдинма-кетин ижро этиш беаги. Мордентларнинг барча турларида ҳам биринчи товуш ўртача зарб билан ижро этилади. Сабаби, биринчи зарб мордент қўйилган товушнинг бошланишидир.

Оддий мордент ижроси:

Ёзилиши:




Ижроси:



Қўшалоқ мордент ижроси:

Ёзилиши:



Ижроси:



Чизиқчали мордент ижроси:

Ёзилиши:




Ижроси:



Чизиқчали қўшалоқ мордент ижроси:


Ёзилиши:



Ижроси:



Трель — асосий товушнинг ундан бир поғона юқоридаги товуш ёрдамида тез суръат билан алмашилиб ижро этилишидир. Бир поғона юқоридаги товуш альтерация белгиси билан ўзгартирилган бўлиши ҳам мумкин:



Трель кўп машқ талаб этадиган безак бўлиб, унинг асосий қийинчиликларидан бири ўнг ва чап қўллар ҳаракатининг муносиб келишидир. Трель безагини чап қўлнинг биринчи ва иккинчи бармоқларидан

фойдаланиб ижро етган маъқул. Чунки айнан шу бармоқлар бошқаларига нисбатан кучлироқ болиб, уларда керакли ҳаракатни нисбатан осонроқ амалга ошириш мумкин. Трель чалиш кўникмасини ҳосил этишда жуда вазмин, кучли товуш билан машқ қилиш ўзининг яхши самарасини беради. Бунда тезликни аста-секин жадаллаштириб борилади. Агар ўнг қўл ҳаракати чап қўлнинг парда алмаштириш ҳаракати билан мос келмай бузилса, машқни тўхтатиб, қўл бўғинларини бўшатиш ва бир оз фурсатдан кейин машқни давом эттириш керак.

Халқ чолғуларида ижрочилик бўйича дарс берувчи ўқитувчиларнинг айримлари асосий эътиборни ўқувчининг муסיқий ривожланишига қаратади, лекин унинг ижро ҳаракатлари устида камроқ ишлашади. Ҳаракат эркинлиги фақат ижро техникасини эгаллашгина эмас, балки сифатли товушни шакллантиришни ҳам ўз ичига олади, бу эса ўз навбатида, керакли, ўзига хос бўлган ижрочилик услубини яратишга олиб келади. Зеро, халқ чолғуларида ижрочилик йўналиши бўйича нашр қилинган дарсликларда, ўқув-услубий қўлланмаларда асосан зарур ижро ҳаракатларини шакллантиришга, ижро ҳолатига катта эътибор қаратилган, уларда амалий тавсиялардан ташқари назарий кўрсатмалар ҳам ишлаб чиқилган.

Халқ чолғуларида ижрочилик бўйича дарс берувчи ўқитувчилар бошқа турдаги чолғулар, масалан скрипка, виолончель, флейта, валторна, балалайка, домбра ва бошқа чолғулар учун ёзилган дарсликлар, қўлланмалардан фойдаланишмоқда. Бу эса, албатта фойдадан ҳоли эмас, чунки созанда-ижрочиларнинг индивидуал сифатларини очиб беришга, техник маҳоратларини оширишга ёрдам беради.

Рубоб прима ижрочилик услублари, прима ижрочиличининг ривожланиши, такомиллаштирилиши унда бадиий асарни ижро этиш техникасини эгаллаш даражаси - олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан назарий билимларини, маҳоратларини оширишнигина эмас, балки ижрочилик услубий муаммоларига ҳам катта

эътибор беришни талаб этади. Асосий масала рубоб прима ижрочилик санъати услубларини аста-секин ва мустаҳкам эгаллашга бориб тақалади.

Рубоб прима кўпгина бошқа халқ чолғулари сингари академик концерт чолғусига айланди, янги ижрочилик услублари унинг ифодалиликлари имкониятларини анча бойитди, ижрочилик маҳоратини оширди, репертуарини кенгайтди. Рубоб примасада яхши мусиқа ижро этишининг муҳим шартларидан яна бири, бу чолғу (постановка) ўтириш ҳолатидир.

Чолғучининг ижро этиш пайтидаги ҳолати (постановка). Ўқувчи чолғу ижрочилигини муваффақиятли ўзлаштириши кўп жиҳатдан гавда ва чолғунинг ижро пайтида тўғри тутишига боғлиқ. Ижро пайтида гавдани шундай тутиш лозимки, токи у ижрочининг барча ҳаракатлари учун қулай бўлсин. Шу билан бир қаторда гавдани тутиш ва чолғунинг ушлашнинг ташқи кўриниши чиройли бўлишига ҳам эришиш керак.



Рубоб-примасада ўриндиққа ўтириб чалинади. Бунда суянчиққа суянмасдан, ўриндиқнинг ярмига ўтириш лозим. Гавданинг умумий ҳолати еркин ва тўғри тутилади. Чап оёқ устига ўнг оёқ бир оз кўтарилган ҳолда кўйилади. Ўнг оёқ сон қисмининг ўртарағига чолғунинг коса қисми жойлашади.

Созанданинг ижро этиш пайтидаги ҳолати ҳар тарафлама қулай бўлиши, гавда ҳолати эса эркин тутилмоғи даркор. Бунда чолғу ўз жойидан силжимасдан туришига эришиш керак. Ўнг оёқнинг сон қисми чолғунинг асосий таянч нуқтаси хизматини ўтайди. Кўкрак қафасининг ўнг қисми қарши босим билан чолғунинг мустаҳкам жойлашишини таъминлайди. Лекин бунда гавда олд тарафга ҳаддан ташқари букилмаслиги керак.

Бундан ташқари, ўнг ва чап қўллар ҳам ёрдамчи таянч нуқталар хизматини бажаради. Шундагина ўқувчи дарс жараёнида ёки мустақил машғулот пайтида узоқ вақт чарчамасдан ижро эта олиши мумкин. Агар

гавданинг бирор қисмида ноқулайлик сезилса, унинг сабабини аниқлаб, бартараф этиш чоралари кўрилади. Ўқувчида узок вақт чарчамасдан ижро этиш кўникмасини ҳосил қилиш иши ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу кўникма мунтазам равишда олиб бориладиган машғулотлар натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

Постановка - ижро этишни тўғри ўзлаштиришнинг асоси деб қаралгани учун дастлабки дарсларданок унга жиддий эътибор берилиши лозим бўлади. Тажрибада постановкаси нотўғри қўйилган ўқувчиларни ҳам учратиш мумкин. Қолаверса, бундай созандаларнинг ижрочилик маҳоратларини амалда ривожлантириш анча мушкуллашади.

Созанданинг ижро пайтидаги ҳолати. Прима-рубоб стулга ўтирган ҳолда ижро этилади. Бунда суянчикқа суянмасдан, ўриндикнинг яримга ўтириш лозим. Гавдани тўғри тутган ҳолда чолғуни чап оёқнинг тиззаси устига тикка ҳолда қўйилади. Ўнг оёқ сон қисмининг ўртарағига чолғунинг коса қисми жойлашади. Ўнг оёқ орқарокда, чап оёқ эса олдинроқ чиққан ҳолатда ўтирилади.

Ўқувчининг чолғуда ижрочиликни муваффақиятли ўзлаштириши кўп жиҳатдан гавда ва чолғуни тўғри тутишга боғлиқдир. Ижро пайтида гавдани шундай тутиш лозимки, токи у ижрочининг барча ҳаракатлари учун қулай бўлсин. Шу билан бир қаторда гавда ва чолғу ушлашнинг ташқи кўриниши чиройли бўлишига ҳам эришиш керак.

Сознинг ижро этиш пайтидаги ҳолати ҳар тарафлама қулай бўлиши,



гавда ҳолати тўғри тутилиши керак. Дастлабки

машғулотларданок чолғуда ўзлаштиришнинг тўғри йўлга қўйилиши ва камчиликларининг ўз вақтида бартараф этилиши ўқувчиларнинг келажақда яхши

чолғучи бўлиб етишишида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўнг қўл ҳолати. Ўнг қўлнинг табиий, эркин ҳолатига эришиш учун унинг тўғри ҳолатини аниқлаб олиш зарур. Бунда ўнг қўл ён томонга тўғри туширилиб, тирсакнинг панжаларигача бўлган билак қисми учбурчак шаклида ва ўнг билагини ўнг ён томони билан чолғу косасининг қиррасига, торлар ўтган жойдан пастроққа қўйилади.



Чап қўл ҳолати. Прима-рубобда ижро этиш пайтида созанданинг эркин ҳаракат қилиши учун аввало чап қўл ҳолатининг тўғри бўлишини таъминлаш керак. Кўрсаткич бармоқни чолғу дастасини юза қисмига қўйиб, бош бармоқнинг

ички қисми билан қаттиқ сиқмаган ҳолда, кафтни дастага теккизмасдан ушланади.

Бунда бош бармоқ дастанинг юқори томонидан кўрсаткич ва ўрта бармоқларнинг рўпарасида туриши, бош ва кўрсаткич бармоқлар билан даста орасида бўшлиқ, яъни очик жой бўлиши ва чап қўл бармоқларининг ярим букилган ҳолатда юқоридан (вертикал) пастга қараб пардаларни тўғри босиш ҳолатларига эришиш керак.

Бармоқларни босганда икки парда бўлинмасининг ўртасига эмас, балки парданинг харрак йўналишидаги темир бўлинмасига тақаб босилиши сифатли товуш чиқишини таъминлайди. Чап қўл бармоқларини пардаларга босишда қуйидаги қоидага риоя қилиш керак: биринчи бармоқдан кейин

иккинчи, сўнгра учинчи ва тўртинчи бармоқлар навбатдаги пардаларга босилади.



Мизроб (Медиатор). Мирзоб - грекча сўз бўлиб, “воситачи” маъносини англатади. Мирзобни ушлаганда бир томони ва айлантириб ушлаганда

иккинчи томони ҳам, торларга уриладиган учки қисмининг ичкарига қараган

чап ён томони қия қилиб йўнилган бўлади. Бу юқорига урилган зарбларнинг симларга илинмаслигини таъминлайди. Учи ўткирланган, чўзинчоқ шаклдаги махсус ясси пластинка мирзоб деб аталади. Мирзоб асосан пластмасса ва эбонитдан ясалади. Мирзобнинг ҳажми созанда қўлининг катта-кичиклигига қараб ясалади. Унинг қалинлиги 2-2,5 мм., узунлиги эса 1,5-2 см. бўлади.

Мирзобни тўғри ушлаш ва товуш ҳосил қилиш. Рубоб примада



товуш мизробни тор бўйлаб пастга, юқорига уриш, рез (тремоло) ва пиццикато (бармоқ билан торни чертиш) орқали ҳосил қилинади. Рубоб примада товуш ҳосил қилиш мизроб орқали амалга оширилади. Сифатли ва яхши, тиниқ

товушга эришиш учун мирзобнинг торларга тегадиган қисми текис ва силлиқ бўлиши керак. Мирзобнинг учидан икки қисми ўнг қўл кўрсаткич бармоғининг биринчи бўғини, тирноқнинг ён томони ва бош бармоқ билан, ўртача куч билан сиқиб ушланади. У бармоқлар орасида сурилмасдан мустаҳкам турмоғи лозим. Бармоқлар жипс ҳолда текис тургандагина бунга эришиш мумкин.

Чап қўл учун шартли белгилар:

1. Очиқ торлар (пардага босилмаган).

2. Биринчи (кўрсаткич) бармоқ.

3. Иккинчи (ўрта) бармоқ.

4. Учинчи (номсиз) бармоқ.

5. Тўртинчи (жимжилок) бармоқ.



Рубоб прима созида ижро техникасини такомиллаштириш йўллари.

Рубоб прима халқ чолғулари оркестридаги мизробли ва чертма торли чолғулар гуруҳининг ижро имконияти, маҳоратини, тембр хусусиятларини

сезиларли даражада оширади. Бадий ва ижрочилик жиҳатидан жуда катта имкониятларга эга бўлганлиги сабабли, рубоб прима созида жаҳон мусиқасининг классик намуналарини, таниқли бастакорларнинг асарларини, ўзбек халқ куйларини, ўзбек бастакорлари яратган мураккаб йирик асарларни ҳам юксак маҳорат билан ижро этиш мумкин.

Албатта, бундай асарларни ижро этиш учун тўғри позиция ва аппликатурадан фойдаланиш зарур. Сўзимиз давомида позиция ва аппликатураларнинг нима эканлиги ва қандай қўллаш зарур эканлигини тўлиқ маълумот берилади.

Позиция деб мусиқа чолғуси дастасида бармоқларни тўғри жойлашуви ҳолатига айтилади. Рубоб прима чолғусида эса чап қўлни чолғу дастаси бўйлаб сурмасдан, маълум бир товуш қаторни чалиш имкониятини берадиган ҳолатга айтилади. Позициянинг жойланиши чап қўлнинг биринчи бармоғи ва юқори харрак (порожек) масофа билан белгиланади. Бу масофанинг ўзгариши ўз навбатида позициянинг ўзгаришига олиб келади. Позициянинг ўрганишнинг яна фойдали тарафлари қуйидагилардан иборат:

1. Нота матнига қараб ижро этишга ёрдам беради;
2. Жадал тезликдаги ижрода қулайликлар яратади;
3. Ўнг қўл усул ва услубларидан тўғри фойдаланиш имконини беради;
4. Чолғунинг ҳамма регистридаги товушлардан бир хилда фойдаланишга ёрдам беради.

Ўзбек халқ чолғулари қашқар рубоб, афғон рубоб, дутор каби чолғуларга нисбатан рубоб прима чолғусида позиция бир мунча аҳамиятлироқ. Чунки рубоб прима чолғусининг ижро диапозони катталиги, торларнинг барчаси металлдан ишланганлиги, уларнинг квинта интервали бўйича созланиши чолғу дастасининг ҳоҳлаган қисмида тордан – торга ўтиб ижро этиш имкониятини беради. Бу эса аввало, чолғуни яхши билиш, унинг барча қисмлари қандай имкониятларга эга эканлигини пухта ва мукаммал ўзлаштириш созанданинг энг асосий мақсади бўлиши керак. Позициялар ва уларни алмаштириш усуллари яхши ўзлаштиришни талаб этади. Бундай

кўникмалар эса ижрочиға торлардаги ноталар жойлашувини яхши ўзлаштириш, нота ўқиш ва ижро маҳоратини ўстиришга ёрдам беради.

Рубоб прима дастасида бажариладиган чап қўл ҳаракатларининг ҳаммасини назарий ва илрний жиҳатдан аниқ, тўғри англаган ҳолда ўрганиш энг мураккаб масалалардан бири. Албатта, бу ўринда позицияларнинг аҳамияти жуда муҳум ва улар тўғрисида кенгроқ маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Позиция чап қўл бармоқларининг чолғу дастасида жойлашиш ҳолатлари бўлиб, улар ёзувда I, II, III ва ҳоказо рим рақамлари билан белгиланади.

Позициялар биринчи бармоқнинг қўйилган ўрни билан аниқланади, лекин, муайян позицияда бармоқлар ҳар хил қўйилиши мумкин. Рубоб прима чолғусида позиция чап қол биринчи бармоғининг шайтон ҳарракга нисбатан жойлашишига қараб аниқланади.

Кейинги позициялар эса ўз навбатида ўзидан олдинги позициядан ярим ёки бир тон юқорига силжиш натижасида ҳосил бўлади. Рубоб прима чолғусида ўн битта позиция ва ярим позиция мавжуд асосан, рубоб примада торлар бўйича еттита позиция ишлатилади.

Позицияларни ўрганишда бир позицияда ижро этилиши мумкин бўлган кичик ҳажмдаги куйлардан фойдаланиш мумкин. Ўқувчи ҳар бир позицияни алоҳида ўрганиб бўлганидан сўнг, позиция алмашинуви бўлган мусиқа асарлари, этюдлар, машқлар ва гаммаларни ўрганишда аста секин ўтиб борилади.

Birinchi pozitsiya



Ikkinchi pozitsiya



Uchinchi pozitsiya



To'rtinchi pozitsiya



Beshinchi pozitsiya



Oltinchi pozitsiya



Yettinchi pozitsiya



Позиция алмашинуви рубоб прима чолғусида ижрочилик санъатинининг энг мураккаб қисмларидан бири бўлиб, бунга таълим жараёнида ката эътибор билан қараш зарур. Позиция алмашинувини кўникмасини ҳосил қилиш ўқувчида турлича кетиши мумкин, лекин шуни унутмаслик керакки,

позицияларнинг ҳар бир алмашинуви кўзланган мақсадга, яъни муסיқий фикрнинг тўғри ва аниқ яратилишига бўйсундирилмоғи лозим.

Позиция алмашинуви деб, чап қўлнинг даста бўйлаб, маълум бир масофага сурилишига айтилади. Позиция алмашинувининг икки хил тури бор:

1. Даста бўйлаб юқорига;
2. Даста бўйлаб пастга.

Бу ерда “юқори” сўзи товушнинг баландлигига нисбатан ишлатилган бўлиб, товуш қанчалик юқори томон ҳаракатланса, чап қўл ҳам шу йўналишда даста бўйлаб сурилади, яъни қўл чолғу харраги томон ҳаракатланади.

Рубоб прима чолғусида ҳам позицияларнинг турли алмаштириш усуллари мавжуд.

- a) очик торлар қўлланиб алмаштириш;
- b) бир бармоқ билан бошлаб шу бармоқ билан бошқа позицияга ўтиш;
- d) бир бармоқ билан бошлаб бошқа бармоқ билан ўтиш;

Ҳар бир позицияда қуйидаги позицияларни алмаштириш усуллари ишлатиш мумкин. Шундай моҳир созандалар борки уларнинг позиция, бармоқ алмаштираётганини эшитиб турганингизда сезмай қоласиз. Бу маҳорат ҳам тинимсиз меҳнат талаб қилади. Албатта, позиция алмаштириш қуйининг бадий қисмини очиб бериш учун хизмат қилмоғи даркор.

Позициялар алмашинувига I, II, III позициялари алмашинувини мисол қилиб олсак бўлади. Юқорига ўтишларда (масалан, I-дан, II-дан ёки III-позицияга) қуйидаги бармоқлар бирикмаси ҳосил бўлиши мумкин:

- 1) 0 – 1; 0 – 2; 0 – 3; 0 – 4;
- 2) 1 – 1; 2 – 2; 3 – 3; 4 – 4;
- 3) 1 – 2; 1 – 3; 1 – 4; 2 – 3; 2 – 4; 3 – 4;

4) 2 – 1; 3 – 2; 4 – 3; 3 – 1; 4 – 1; 4 – 2;


(Пастга ўтишларда кетма – кетлик орқага қайтарилади)

Яъни дастлабки позициядаги ҳар бир бармоқ (ёки очик тор) кейинг позициядаги ҳар бир бармоқ билан уланиши.

Биринчи қатордаги ўтишлардан ташқари, қолган ҳамма ўтишлар тор устида бармоқлар *сирғалишининг* ҳар хил турлари орқали амалга оширилади.

Ўтишларнинг тўрт кўриниши

1) Ўтишларнинг энг оддий кўринишлари *очик тор садоланиб турган вақтда* амалга оширилади. Қўл батамом силлиқлик билан бир позициядан бошқасига жойини ўзгартиради. Бош бармоқ гриф шейкаси (грифнинг орқа қисми) ббўйлаб сирғанади.



2) *Битта ва ўша бармоқнинг сирғалиши* орқали амалга ошириладиган ўтишлар. Бошланишида сирғалишлар силлиқ, лекин охирида бир мунча тезлашган бўлиши керак. Ўтиш вақтида сирғалаётган бармоқ “ёрқин” бўлиши зарур, ўз босимини бир мунча кучсизлантириши, шу билан бирга, торни сезишни йўқотмаслиги керак.




3) *Пастки ётган бармоқдан юқорига ётган бармоққа* ўтишлар (ва орқага) кейинг позициядаги биринчи нота юқорига ётган бармоқларнинг биттаси билан олинади. Дастлабки позициядаги охирги нотани олаётган

бармоқ тор устида янги позициягача сирғалади, янги позициядаги нотани олаётган бармоқ эса ўз ўрнига аниқ тушади. Сирғалтириш силлиқ бўлиши керак; ўтиш вақтида сирғалаётган бармоқ тор устида ўз босимини кучсизлантиради.



4) *Юқориги ётган бармоқдан пастки ётган бармоққа ўтишда* (ва орқага) – кейинг позициядаги биринчи нота дастлабки позициянинг охириг нотасидан кўра анча пастки бармоқ билан олинади.



Юқорига йўналтиришда: ўтиш учун сирғалтириш вақтида бир бармоқ бошқа бармоқ билан жой алмашиши юз беради.

Пастга йўналтиришда: дастлабки бармоқ сирғалади, кейинг позиция бармоғи эса тўғридан – тўғри ўз ўзига аниқ тушади. Сирғалиш вақтида дастлабки бармоқ тор устида ўз босимини кучсизлантиради.

Ўтишлар бутунлай қўл орқали амалга оширилади. Бироқ жуда коп силлиқликка ва текис улашга эришиш учун (масалан, кантилена ижросида) ўтишларни оҳиста бажаришни онсонлаштирадиган навбатдаги усулни қўллаш мақсад қилинади: пастки ётган позициянинг охириг нотасини (ёки ноталар гуруҳини) ижро этилаётган вақтда қўл кисти (қўлнинг панжа қисми) рубоб приаманинг бўйин қисмига бироз яқинлашади ва айнан шу билан позиция сурилади. Пастки ётган позицияларга ўтишда акси юз беради: кист узоқлашади, бош бармоқ анча пастки позицияга ўтади.

Л.Мозарт позиция ўзгартириш масаласига катта эътибор қаратиб, шундай деб ёзган эди: "Пастга ҳаракатда иложи бор ва онсон ҳолатни кутгин, шундагина тингловчилар билмаслар. Агар сиз очиқ тор билан ижро қилишни кутиб турсангиз бундай ҳолат қулай ва бу куйни ижро қилганда, пастга тушиш жуда осондир.

Позиция юқоридаги каби ўзлаштиришга энг муҳим жиҳатлардан бири бу торларни яхши ҳис қилиш, бармоқларни даста бўйлаб силлиқ сура олиш, юқорига ёки пастга ҳаракатланганда бармоқларнинг равон алмашиниши каби кўникмаларни яхши ўзлаштиришдир. Позициялар алмашинувининг яхши амалга ошиши ижрочи ижро техникасининг юқори бўлишига олиб келади.

Рубоб прима чолғусида қўлланадиган аппликатуралар. 1738 йилда франсия созандаси М.Коррет "Орфея мактаби"да позициянинг еттига бўлинишга биринчи бўлиб асос солган. Ушбу бўлиниш асосида скрипканинг грифти ўртасида тонлар ва яримтўнлар орасидаги фарқни ажратиб қўйди. Позициянинг аниқланиши биринчи бармоқ қойилган тонлардан аниқланади. Ўша кундан буён француз скрипка мактабининг бу бўлиниши умумий қабул қилинган.

Аппликатура сўзи - (немисча *applikatur*, лотинча *aplico* - қўймоқ, босмоқ маъноларини англатади). Мусиқа ижрочилигида чолғу дастасига чап қўл бармоқларини қўйиш тартибидир⁴. Аппликатурани тўғри танлаш усуллари созандага бир томондан қулайлик, асарнинг техник жиҳатдан қийин парчаларини ўзлаштиришда ва ижро этишда енгиллик яратиб берса, яна бир томондан, ўнг қўлнинг тордан торга ўтавермаслигини ҳамда ортиқча ҳаракатлардан холи бўлишини таъминлайди. Қолаверса, тўғри ва қулай аппликатура созанда ижросининг кўринишига профессионал чирой беради.

⁴ Назиров Қ. Бу китобни аниқлаш ва киритиш!!!!




Аппликатура тўғри қўйилишининг яна муҳим томонлари шундаки, айтайлик, ёзувда асарнинг бошланиш жумлалари (фразалари) ёки кейинг жумлалари учун бармоқлар қўйилган бўлади, аммо ҳамма ноталар устига эмас. Бундай ҳолатларда бармоқларнинг қўйилиш навбатини қандай давом этишига созандада шубҳа ёки иккиланиш пайдо бўлади. Аслида бу вазият оддий. Жумла бошланишида аниқлаб қўйилган позицияга дахлдор бармоққа нисбатан кейинги бармоқлар кетма–кетлиги давом этаверади то бармоқларнинг ўзгариши зарур вазият келгунга қадар. Албатта, бу вазиятда бармоқ ўзгариши ёзиб кўрсатилади.



Қаранг, агар учинчи тактда *сол* нотасига иккинчи бармоқ ёзилмаганида, олдинги яъни учинчи позициядаги бармоқлар жойлашиши давом этаверган бўлар эди. Шулар билан бирга, икки хил, баъзида уч хил вариантларда аппликатура бериш ҳоллари ҳам кузатилади. Ёзувда ноталар устида биринчи, остида иккинчи, учинчи вариант қавс ичида берилиши ҳам мумкин. Бундай вазиятларда созанда устки ёки пастки аппликатурада кўрсатилган бармоқлар кетма-кетлигини ўзи учун қулай вариантини танлаб, бир–бирига аралаштирмасдан бажариши лозим.

Аппликатура деб асосан мусиқа чолғусида бармоқларнинг тўғри жойлашуви ва алмашиш тартибига айтилади. Рубоб прима чолғусида эса бармоқларнинг пардаларга жойлашуви тартибига айтилади. Мусиқа асарини мукаммал ижро этишда танланган аппликатура ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Танланаётган аппликатуранинг йўналиши аввало, маскур асарнинг бадий қийматини тўла очишга, мусиқий фикрнинг бўлиниб

қолмаслигига ва шунингдек, ижрочи учун қулайлик яратишга бўй сундирмоғи керак. Ўқувчилар асарни мустақил ижро этиш жараёнида аппликатура танлашни тўғри ҳал этмаслик ҳолларини ҳам тажрибада учратишимиз мумкин. Бунга мисол қилиб Ф.Волфартнинг *A-moll* этюдини мисол қилиб олсак бўлади:



Бу ҳолатда аппликатура куйнинг келиб чиқиши, куйнинг ҳаракатига мосланиб ва албатта, фикрнинг бўлиниб қолмаслиги учун хизмат қилади. Иккинчи тактимизнинг сўнги чорагида балки *сол* торимизда олишимиз ҳам мумкин эди лекин, куйнинг бадийлигини куйчанлигини ва овоз тембрини озгартирмасак унданда мазмунли, жозибали ижро этилади.

Ўқувчилар кўп ҳолларда тактнинг охирги *ми* нотасини *ля* торида ижро этиш орнига очик *ми* торини ишлатишади. Бизнингча, кўрсатилган *ми* нотаси албатта, тўртинчи бармоқ билан *ля* торида ижро этилиши керак. Сабаби, биринчидан, шу *ми* нотасидан кейинги куй йўналиши пастга қараб ҳаракатланади ва ўз навбатида ноталар *ля* торида ижро этилади.



Бу ҳолатда аппликатурамиз иккинчи тактдаги *ми* нотасини очик симда олганимизда жудаҳам нотўғри аппликатура қўлланган бўлар эди. Бу тактни бир нафасда ижро этиш кераклигини ва куйнинг пастга ҳаракатланаётганини назарда тутиб бундай аппликатура қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, фақат битта (ёки иккита) товушни чалиш учун тордан торга ўтиш тавсия этилмайди. Бундан ташқари, аппликатура танлашда ўнг қўл (медиатор)нинг пастга ёки юқорига зарбини ҳам ҳисобга

олишимиз зарур. Рубоб прима ижрочилиги тажрибасида гоҳида учраб турадиган камчиликлардан бири шуки, баъзи ўқувчилар биринчи, иккинчи ва учинчи бармоқларни кўпроқ ишлатишади.

Натижада тўртинчи бармоқ кам ҳаракатланиши туфайли керакли кўникмани ўзлаштира олмайди. Бундай камчиликни бартараф этиш учун ўқувчилар тўртинчи бармоқ иштирок этадиган махсус гамма ва машқлардан фойдаланишлари керак.



Г. Шрадик машқлари орасидан шу машқ жудаҳам тўртинчи бармоқ учун фойдали. Бармоқни босиш ва кўтариш техникасини тезлаштиради ва бармоқни сезишга катта ёрдам беради.


Аппликатура танлаш мусиқий фикрнинг ижроси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, фақат ижрочини онсонлаштириш учунгина ишлатилади, десак ҳато бўлади. Ижрочилик тажрибасида аппликатура қулайликларида онгли равишда вос кечишга ва мусиқий фикрни бадиий жиҳатдан тўлароқ очиб бериш мақсадида қийинроқ аппликатурадан фойдаланишга тўғри келадиган ҳоллар ҳам учраб туради.

Гоҳида берилган куйни оддийгина аппликатурада билан ижро этиш мумкиндек кўринади. Лекин бадиий вазифани тўлароқ очиш жиҳатидан бирор куйни бошидан охиригача бир торда ижро этиш керак болганда ёки тембр контрастлигига эришишда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда бу аппликатуранинг ўзлаштиришга тўғри келади. Буларнинг ҳаммасида бармоқларнинг пардаларга қўйилиши куйнинг бадиий қийматини тўла очилишига қатъий бўйсундирилмоғи керак.

Бундан ташқари бармоқларни жойлаштиришда мусиқа асарида учрайдиган баъзи бир қийинчиликларни ҳисобга олиш керак. Агар берилган куйда форшлаг, мордент, трел каби безаклар ёки шунга ўхшаш ижроси

кийинроқ жойлари бўлса, уларни нисбатан кучлироқ (биринчи, иккинчи жуда бўлмаса учинчи) бармоқлар билан амалга оширилади.

Бунинг учун шу бўлакча бўлган аппликатурани шундай танлаш керакки, унда кийин жойларнинг ижроси кучли бармоқларга тўғри келсин. Чунки, трел ва форшлаг каби безакларни кучсиз бармоқлар ёрдамида сифатли ижро этиш анча қийин ҳисобланади.



П.Сарасатенинг “Кармен фантазия”сидан олинган мисолга эътибор берсак, бу ҳолатда аппликатура қўйиш бир мунча қийин ҳисобланади. Созанда *форшлагларга* тўғри аппликатурада кела олмаса, бу ноталар жаранглаб чиқмайди. Кўп созандалар форшлаг келган жойда кучли зарбни ажрата олмайдилар. Форшлагга ўтиб қолади кучли ҳисса аммо, бу катта ҳатолардан бири. Бу ҳолатда яна бир аппликатура ҳолати мавжуд иккинчи тактимиздаги пассажда аппликатурани тўғри қўйиш жуда ҳам катта фойда келтиради. Куй пастга ҳаракатланганда одатда тўртинчи бармоқ ёрдамида ижро этиш бир мунча қулай ҳисобланади.

Тажрибада баъзи ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари туфайли танланган аппликатура унга тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун ўқитувчи ижрони ўргатиш жараёнида ўқувчига унинг индивидуал хусусиятини ҳисобга олган ҳолда аппликатура танлашда ёрдам бериши керак. Рубоб примада ижро этишни ўрганиш ва ўргатишдаги аппликатура танлашнинг яна бир ўзига хос тури устида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу квинта интервалидан ката бўлган масофага бир торда ёки ёнма-ён торларда бармоқни суриш (сакратиш)дир.



А.Баццинининг “Гномлар ракси” куйини мисол билиб олсак болади. Бу куйни композитор бу куйни скрипка учун ёзган лекин, бу куй рубоб примада ижро этилганда худди рубоб прима сози учун ёзилгандек тассавур уйғотади томошабинда. Бу ҳолатдаги аппликатурага келадиган бўлсак, сакрамалар ва позиция алмашинувлари учрайди. Бу ерда иккинчи тактда квинта сакрамаси бўлмоқда, бу сакрама бир мунча қийин саналади, чунки тўртинчи бармоқдан сўнг биринчи бармоқга ўтиш бир мунча қийин.

Бу усул айниқса, жадал тезликдаги куйни ижро этишда созанда учун анча қийинчилик туғдиради. Бунинг асосий сабаби, чап қўл катта масофага ҳаракат қилдириб, мўлжалланган пардага бармоқни аниқ қўя олишдир. Кўп ўқувчилар бу вазифани бирданига уддалай олмайдилар. Керакли парда ўрнига бармоқни шунга яқин бўлган юқоридаги ёки пастдаги пардага қўйиб юборадилар. Бундай қийинчиликни фақат махсус машқларни кўп маротаба онгли равишда такрорлаш йўли билан бартараф этиш мумкин.

Мақсадга мувофиқ аппликатура танлаш штрихлар билан мос келмоғи лозим. Штрихни ўзгартириш кўп ҳолларда аппликатура ўзгаришига олиб келади. Аппликатура танлашда очик торларни қўллаш, хусусан, техник жойларда, пассажларда энг кўпроқ таъсирчанлик, сайқал, ёрқинлик бағишлайди. Очик торлардан фойдаланиш чап қўл ва бармоқлар ҳаракатини тежаш имконини беради.

"... Созанда учун фақатгина битта йўл бор, унинг мусикий тушунчаси юқори даражада эканлигинини исботлаш, ўзига хос техникаси, хусусиятларига жавоб берадиган ягона вариант бор. Бу "енг яхши" бармоқ. (К.Флеш).

Қўшалок ноталарда ҳам аппликатурада ҳам бир мунча режа қилиб аппликатура танлаган мақул. Аппликатура орқали созанда озига қулайлик ва

ижро учун эркинлик яратади. Ўзи учун жудаям қулай аппликатура ярата олган созанда куйнинг характери, динамикаси ва куйнинг ҳаракатларини ҳис қила олиш даражасида ижро эта олади.

Рубоб прима нафақат куйчан мусиқа асбоби, масалан худди пуфлама чолғулар, балки полифоник ҳамдир. Аккорд техникаси нодир асарларда масалан: скрипка учун ёзилган лекин рубоб примада ҳам ижро этиладиган: соната, партиталар, Локателли ва Н.Паганини каби буюк скрипкач ва композиторлар асарларида кенг қўлланилади.



Бу куй ҳаммага маълум ва машҳур “Н. Поганинининг 24 – каприс” асарининг олтинчи вариатсиясидан намуна. Бу асар шунчалик машҳурки ҳатто, мусиқадан ҳабари бўлмаган инсон ҳам, бу асарни эшитиб унинг муаллифини айтиб бера олади. Ижро техникаси яъни ўнг ва чап қолнинг техникаси юқори бўлган созанда қўшалок аккордларда ижро эта олади.

Шу сабабли, қўшалок аккордлар эътиборни тортиши керак: овознинг юмшоқлигини, ўнг ва чап қўлларнинг ҳаракатларининг ратсионаллиги. Интервал ёки аккорд ўз-ўзидан эмас, балки аввалги ва кейинроқ бўладиган муносабатларда ҳам қулайликка эга бўлиши керак.

XVIII асрда, аппликатурада айрим ҳолларда бош бармоқ билан ижро қилинган. Ушбу бармоқ услуби XVI ва XVII асрларда немис халқ скрипкачилари, мусиқачиларининг мусиқий амалиётидан олинган. (Скрипка ва бас учун Л. Франкернинг Аллегро темпидаги саккизинчи сонатасида қўлланилган)

Кейинчалик бош бармоқнинг бундай аппликатураси амалда тарқалмаган ва жуда камдан-кам ҳолларда қўлланилган. Совет скрипкачиси Б.С.Фишман томонидан Бахнинг сонатасида баъзида ишлатилган.

Шундай қилиб аппликатура тарихдан бизгача мукаммаллашиб келган. Аппликатура ҳар бир созанданинг ўзининг ижро техникаси ва мусиқий билимларидан келиб чиқиб ижро қилинади. Албатта, аппликатура биринчи навбатда созанда учун қулай болиши зарур.

Рубоб прима чолғу ижрочилигини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишимиз, мактаблараро концерт дастурлари уюштириб, уни тарғиб қилишимиз керак. Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, дунёвий илмлар билан пухта қуроллантириш билан бир қаторда, ҳуш ахлоқ камтарин ва ширинсўз, дидли, фаросатли, маданиятли ва ҳар томонлама баркамол кишилар қилиб тарбиялаш бугунги кун таълим тизимида давлат аҳамиятига молик масала даражасига кўтарилди.

Кейинги параграфда амалиётчи-ўқитувчилардан бирининг ўқув-услубий фаолияти борасида фикр юритамиз.

3.2. ЎзБА қошидаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб интернати халқ чолғулари бўлимида рубоб прима сози ўқитилиши ва педагог Насиба Содиқованинг илғор иш тажрибасидан

Халқ таълими аълочиси, Шухрат медали соҳиби **Насиба Амоновна Содиқова** 1963 йил 5 январда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида зиёлилар оиласида дунёга келган.

Н.Содиқова ёшлик чоғларида мусиқага бўлган иштиёқи катта бўлган. 1978 йил Қўқон шаҳрининг мусиқа билим юртида таҳсил олиб, 1982 йил Тошкент давлат консерваториясига имтиёзли қабул қилинди. Н.Содиқованинг меҳнат фаолияти 1983 йилда Т.Жалилов номидаги Ўзбекистон давлат академик



оркестрида созанда сифатида бошлаган. 1993 йилдан Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида дутор ва рубоб прима созлари бўйича дарс бериб келмоқда.

У меҳнатсевар ва талабчан ўқитувчидир. Н.Содиқова синфида таҳсил олган кўплаб ўқувчилари Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кириб, ёш мусиқа ижрочилари Республика ва халқаро танловларда иштирок этмоқда ва юқори ўринларга эришмоқдалар. Рубоб прима созининг такомиллашишига катта ҳисса қўшиб келаётган Н.Содиқованинг ҳар бир ютуғи ижрочилик санъатини юксалишига ва олий таълим муассаларига ёш авлодни етказиб бераётганлиги унинг асосий мақсадларидан биридир. Унинг шогирдлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб турли ҳил конкурсларда иштирок этиб рубоб прима ва дутор чолғусининг такомиллашишига сабаб бўлишмоқда.

Бунда устоз меҳнатининг натижаси намоён, жумладан шогирдларидан бўлган Ихтиёров Бахтиёр 2009 йил Тошкента бўлиб ўтган халқаро “Татар куйлари” конкурсида I–ўрин ва энг яхши ижрочи, Абдуллаев Илхом 2011 йил Республика ёш созанда ижрочилар танловида II–ўрин, Акбаров Музаффар 2014 йил Россия давлатида бўлиб ўтган “Синяя птица” X-Халқаро конкурсида II–ўрин ва яна бир “Украинада Баҳор” номли конкурсда I–ўрин соҳиби бўлди.

Н.Содиқова Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб интернатида ўзбек халқ чолғуларининг бўлими раҳбари. Кўп йиллик самарали фаолияти учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси” нишони, Республика танловларида эришган муваффақиятлари, ўзбек миллий мусиқа санъати ривожига қўшган ҳиссаси учун Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг диплом, сертификат, фахрий ёрлиқлари, бадиий таълим тизимидаги самарали хизматлари, иқтидорли ва истеъдодли ёш авлодни тарбиялашдаги ҳиссаси учун Ўзбекистон Бадиий Академиясининг, шунингдек Украина, Россия,

Франция, Польша, Португалия, Қозоғистон каби давлатларнинг дипломлари билан муносиб тақдирланган.

Фидойи устоз Насиба Содиқова бугун ҳам изланишда, шогирдларига ўз тажриба ва билимини етказиб бериш учун тинмай ҳаракатда. 2016 йилнинг ноябрь ойида Россиянинг Санк Петербург шаҳрида бўлиб ўтган **“Серебряный камертон”** XII-Халқаро танловда Абдурашидов Абдурахмон II-даражали диплом, Исматуллаев Самандар Гран при ва I-ўрин совринларига, мамлакатимизда ўтказилиб келинаётган II-Халқаро **“Она юрт оханглари”** конкурсида I-даражали диплом совринни қўлга киритди.



2017 йил апрел ойида шогирдларидан бири бўлган Ўзбекистон Давлат Консерваторияси магистри Мафтуна Умарова Италия давлатининг Пезаро шаҳрида бўлиб ўтган **“Citta di Pesaro”** ҳамда **“Serate Russe in Italy”** Халқаро танловларда халқ чолғулари номинацияси бўйича I ва III-даражали дипломга ва ёш шогирдларидан Исматуллаев Самандар I ва II-даражали диплом, яна бир **“Россини ижоди”**га бағишланган танловда эса III-даражали дипломга, 4-синф ўқувчилари Турабоева Мавжуда, Саидалоев Саидакбарлар ҳам ушбу танловларда I ва II-даражали дипломларга эга бўлишди.



“Serate Russe in Italy” Халқаро танловларда халқ чолғулари номинацияси бўйича ансамбль ташкил қилиб олий ўринларни қўлга киритишди. Бундай ютуқларни қўлга киритишда асосан катта меҳнат, изланиш туради. Насиба Содиқова ана шундай фидойий устозлардандир.

Рубоб прима созини ўқувчилар талқинида дунё сахналарида намоён этиб миллий чолғуимиз равнақ топишида катта хисса қўшаётган устознинг меҳнатлари бесамар кетмади.



Изланишдан чарчамайдиган, тинимсиз меҳнат қилаётган Насиба Содиқова шогирди Исматуллаев Самандар билан Италия давлатидан қайтган захоти Сочи шаҳрида бўлиб ўтган **“Великая Россия”**

халқаро конкурсида Гран при ва I-ўрин совринларига эга бўлди.

Бугунги кунга келиб РИСМИда Н.Содиқова раҳбарлигида яна бир **“Сехрли торлар”** рубоб прима чолғучиларидан иборат ансамбль тузилиб,

кўп ютуқларга эришмоқда, мактабнинг турли концертларида, Бадий академия тадбирларида, меҳрибонлик уйларида, ногиронлик уйларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Ҳозирги кунда уларнинг кўплаб шогирдлари ўз истеъдодларини намоён қилган ҳолда маҳоратларини оширишмоқда.



Италия давлатининг Песаро шаҳри халқаро конкурс лауреатлари





Н.Содиқованинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан юқори баҳоланиб, 2017 йил юксак мукофот **“Шухрат медали”** соҳиби бўлди. Ҳар бир эзгу ишнинг натижаси албатта эзгуликка уланиб кетади. Насиба Содиқова кўп йиллик тажрибага эга бўлишига қарамасдан, педагоглик ва ижрочилик маҳоратини ошириш, ёш авлоднинг маънан соғлом бўлиб етишиши учун доимий изланишда бўлиб, ўз касбий маҳоратини тинимсиз ошириб келмоқда.

Бошланғич синфларда рубоб прима ижрочилигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган экспериментал ишлар хусусида 3-параграфда сўз боради.

3.3. Бошланғич синфларда рубоб прима ижрочилигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган экспериментал ишлар

Бакалаврият босқичини тугатгач, 5 йиллик педагогик фаолиятим давомида айнан бошланғич синфларда таълим бериш бир мунча мураккаблигини, ўқитувчидан мустақкам ирода, сабр ва психологик ёндашув талаб қилинишини ва энг кераклиги - ҳар бир бола психологиясига алоҳида ёндашган ҳолда дарс бериш лозимлигини билиб олдим ва шу асосда фаолият юритиб келмоқдаман.

Мактабгача таълим муассасасидан келган кичик болажонларга нафақат мусиқа, айнан бир чолғуни мукаммал даражада ўргатиш улар онгига секин-асталик билан мутахассислик фанини киргизиб бориш ўқитувчидан катта маҳорат талаб этади. Бундан 12 аср муқаддам яшаб ўтган Шарқ мутафаккири Абу Али Ибн Сино болага паст овозда, ёқимли сўзлар билан гапиринг ва

музыка билан кўнглига йўл топинг. Вояга етгач у бошқа болалардан етуклиги, онглилиги, ақллилиги, фаросатлилиги билан ажралиб туради, деб таъкидлаган эди. Бундан кўриниб турибдики, Шарқ уйғониш даври олимлари инсонни педагогик ва психологик жихатдан ривожлантириш йўлида изланишган ва тадқиқотларни амалга оширишган.

Қадимги Италия давлатининг қишлоқларидан бирида хор қўшиқларини ўргатувчи хормейстер, музыка назариётчиси Гвидо де Ареццо (990-1050) яшаган. У болаларга товуш поғоналарининг жойлашиши, юқори ёки паст куйлаш учун қўлдаги беш бармоқдан (ҳозирда ушбу тизимнинг номи “сольмизация” дейилади) фойдаланган. Шу йўсинда нота чизиқлари, нота ёзуви ташкил топган, дейилади. Айнан бу тизим жамоа бўлиб куйлаётган, ижрочиликда болаларнинг тезроқ товушлар жойлашишини, уларнинг баландликларини ўзлаштириб олишлари учун фойдаланилган. Болалар психологиясида машқлар билан кўрсатиш орқали бажарилган амалий жараёнлар, болалар психикасига, онгига тезроқ таъсир қилади.



Мисол учун ушбу суратда болалар билан ўрганиш жараёни қўл машқлари орқали кўрсатилган. Сольмизация тизими болаларнинг музикаий пардалар кетма-кетлигини кафтимиздаги бармоқлар ёрдамида поғоналар жойлашувини янада тезроқ ўзлаштириб олишларига ва тезроқ фикрлашишига ёрдам беради.

Бундан ташқари юқори пардаларда кўрсаткич бармоқ билан юқorigа, пастки пардалар ижроси вақтида кўрсаткич бармоқларимиз ёрдамида пастга кўрсатиш ҳар бир мусиқа ўқитувчисида рефлексга⁵ айланиб улгурган.

Мен фаолият кўрсатаётган Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб интернатида ёш мусиқа ижрочилари билан ишлашга катта эътибор қаратилади. Айниқса, индивидуал тарзда ташкил этиладиган ўқув машғулотлари ўқувчиларнинг мусикий-иждодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилади. Дастлаб, Халқ чолғулари бўлимига ўқишга кирган болажонлар ташқи кўриниши, қобилияти ва қизиқишига қараб чолғуларга сараланади. Айнан рубоб прима чолғусига нисбатан жуссаси кичикроқ, қўл бармоқлари унчалик узун бўлмаган болани саралашади, сабаби бу чолғунинг кичиклиги, чолғуда ўтириш ва ижро этиш мураккаблиги инобатга олинади. Гавдалироқ болаларни асосан урма зарбли чолғулар, афғон рубоби, дутор бас ва бошқа чолғуларга қабул қилинади. Сабаби, унда ҳам постановка ҳолатига мослаб сараланади.

Яна бир жиҳати, бола ота-онасининг ташқи кўриниши ва гавда тузилишига эътибор қаратилади, чунки боланинг жуссаси бўлимга қабул қилинганида кичик бўлиб, келажакда қўл бармоқлари узун бўлиб, бўйининг ҳам ўсиб кетиши, гавда тузилиши ўзгарувчанлигини ҳам ота-онасига қараб прогноз қилиш мумкин. Амалиётда бундай болаларнинг ижро имкониятлари паст бўлиб, натижада чолғуга мослаша олмай, жадал суръатдаги асарларни ижро этишга кучи етмай ўқишни қолдириб кетган ўқувчиларимиз ҳам бўлган.

Шунинг учун рубоб прима созига ўқишга қабул қилинаётган болажонни саралаб, синчиклаб олишга эътибор кучайтирилган. Таъкидлаш лозимки, ўқитувчининг кўп йиллик меҳнати беҳуда кетмаслиги учун айнан бошланғич танловни мукаммал бажаришга катта эътибор қаратилади.

⁵ Рефлекс – латин тилидан олинган сўз бўлиб тескарисига ўгирмоқ, айлантирмоқ, бир сўз билан айтганда доимий бажариладиган вазифанинг инсон ҳаётини фаолиятига жипслашиб кетишига айтилади.

Болажон ўқишга киргач, дастлабки пайтларда унда баъзан чарчаш, зериқиш, руҳий тушкунлик ҳолати кузатилиши мумкин, чунки мактабгача таълим жараёнида асосан ўйин фаолияти билан банд бўлган болага талаб ўзгача бўлган. Ихтисослаштирилган мактабда ўқиш болада кўп меҳнатни талаб қилади, шунинг учун ҳам мактабга қабул қилиш имтиҳонларида энг қобилиятли болажонларни қабул қилишади. Шунга қарамай ўқитувчидан бу ўқувчилар мослашиб олгунча уларга маълум даражада психологик эътибор бериш талаб этилади.

Бола мактаб таълимини ўзлаштириб умумий фанлар билан биргаликда солфеджио, мутахассислик ҳамда фортепианони ўзлаштириши керак. Умумий фанлардан ёзишни, ўқишни, ҳарфларни ўрганса айнан мусиқа фани ва мутахассислик фанларидан бошланғич дарслик мусиқа оламига кириш бўлган нота, нота ёзувлари, скрипка ва бас калитлари, нота чўзимлари, санок ва бошқа мураккаб бўлган мусиқий тушунчалар ўргатилади.

Илк дарсимда ўқувчимга рубоб прима чолғуси ҳақида маълумотлар бериш билан бир қаторда бу чолғунинг ташқи кўринишини тушунтириб, ҳар бир бўлагини алоҳида кўрсатиб, чизиб бераман. Бу чолғунинг яратилиш тарихи ҳақида қисқача маълумотлар бериб ундаги моҳир созандалар, хизмат кўрсатган ва халқ артистлари ҳақида болада қизиқиш ва мақсад уйғотишга ҳаракат қиламан ҳамда моҳир созандалар томонидан ижро этилган мусиқа намуналарини кўйиб бераман.

Боланинг келажакда етук, моҳир созанда бўлишга интилиши учун бу чолғу билан дунё айланиши мумкинлиги, фақатгина чолғуга меҳр қўйиб тинимсиз меҳнати орқали ютуқларга эришиши мумкинлигини дарс жараёнида тушунтириб бораман. Илк дарсда чолғу билан таништириб вазифалар бериб, кейинги дарсгача ўрганиб келиши зарурлигини тушунтириб, ёзиб беришга ҳаракат қиламан.

Болага дарс тайёрлатишда айнан ота-оналарнинг кўмаги керак бўлади. Ўқувчиларимнинг оналаридан дарс вақтида бирга ўрганиши учун айнан

мутахассислик соатларида дарсга келишларини, бола билан биргаликда дарс жараёнини ўрганиб, кузатишларини талаб қиламан.

Бошланғич синфнинг бола учун айнан 1-синфи жуда қийин кечади, шунинг учун оналарнинг кўмаги керак бўлади. Қобилиятига қараб болалар ҳар хил ўзлаштиради, кимдир чолғуни тушунишига, унда куйларни тушунган ҳолда ижро эта олишига ярим йил, кимдадир бир йил, дангаса, кам дарс тайёрлайдиган, айниқса бу чолғуга қизиқмаган болада эса 2 ва ундан ортиқ йил вақт кетиши ҳам мумкин.

Баъзан ўзлаштириши нисбатан паст бўлган, 1 йил ўрганиш босқичидан ўтгач, қизиқиши натижасида ижро маҳорати ошган ва дунё сахналаридаги турли конкурсларда кўпгина ютуқларга эришиб келаётган ўқувчиларимиз ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам қанчадир вақт, бола ўзлаштира олмаса ўқитувчи у ҳақида салбий фикрга бормаслиги, унга яна ҳам чуқурроқ тушунтириб бориши ва чолғуни ўзлаштиришида кўмак бериши зарур.

Ўқувчи билан ишлашда энг қийин муаммоли вазиятлардан бири бу постановка қўйиш жараёнидир. Болада чалишдан кўра ўтириш ҳолатини тўғри қўйиш анча вақтни талаб қилади. Бола ўсган сари йилдан-йилга ташқи кўриниши, жуссасига қараб постановка ҳолати тўғрилаб борилади.




Бу суратдаги бола 2 синф ўқувчиси Абдуллаев Иброҳим. Ўқувчиларим ичида тиришқоқ, ҳаракатчан, аълочи ўқувчиларимдан биридир. Илк дарсларда постановка қўйиш бир мунча қийинчилик туғдирган, бошқа ўқувчиларга нисбатан жуссаси кичик бўлганлиги, оёқларининг калталиги сабаб оёқ тагига подставка қўйишга мажбурмиз. Бу жараён боланинг бўйи ўсгунича давом этади. Ўнг қўл ҳолати тўғри қўйилгани сабабли асосий куч медиаторга берилиб, чалиш жараёнида керакли товушни етказиб бера олмоқда.



Яна бир ўқувчим ёшига нисбатан бўйининг, қўл бармоқлари ва оёқларининг узунлиги сабабли постановка ҳолатини қўйиш анча қийинчилик туғдирмоқда. Кўп ҳолларда ўнг қўл тирсаги чалиш жараёнида тепага кўтарилиб тикка ҳолатга келиб қолиши оқибатида товуш бўғилиб, керакли овозни чиқариб бера олмайди ва ижро этаётган асарларини жадал суръатда чалишга ўнг қўлнинг нотўғри ҳолати ва чап қўл дастани ушлаш ҳолатида даста пастга тушиб қолганлиги халақит беради. Шу сабабли, асосий эътиборни ўтириш ҳолатини тўғрилашга қаратмоқдамиз.

Рубоб прима чолғуси билан танишиб, постановка ҳолатида ўтиришни ўрганганидан сўнг, очик сим торларида (пастга ва тепага) ҳаракат билан товуш ҳосил қилиш ўргатилади. Дастлабки 1-ойда назарий маълумотлар, яъни, нота ёзуви ва номлари, рубоб прима симларида ноталар кетма-кетлиги ва октавалар ҳақида тушунтириш берилади. Ҳар бир симни хроматик кетма-кетликда квинта интервали оралиғида болага тушунтириб ёдлатилади.




Бу усул орқали ҳар бир симда ноталар жойлашувини ёдлаш ва эслаб қолиш қобилияти мустаҳкамланади.

lya simi



Рубоб прима симларининг ҳар бирини хроматик кетма-кетликда ўрганилади ва бармоқлар босиш техникасини нота ўрганиш жараёнида ўзлаштириб боради.

mi simi



Рубоб прима симлари ёдлаб бўлингандан сўнг ўқувчига музиканинг элементар тушунчалари паузалар, нота чўзимлари, альтерация белгилари, динамик белгилар ва бошқа вазифалар бериб борилади.

Илк ўргатилган вазифа бу до мажор гаммаси бўлади, сабаби унда нота ёзувига мослашув ҳамда симдан симга ўтиш машқи бирин-кетинлиги, бармоқлар жойлашуви ўрганилади. Болада гамма машқи рубоб прима симларини ёдлашга кўмак беради.

Рубоб прима чолғусида ижро этиш 2 октавалик гамма (C-dur).



Худди шу кетма-кетликда орқага қайтилади, фақат очик (0) ёзилган бармоқларини тўртинчи (4) бармоқ билан ёпиб чалинади.

Гамма берилганда 2-3 хил штрихлар берилади, уйга вазифа сифатида ҳар бир штрихни 10 мартадан чалиш буюрилади.

Масалан:


П V П V П V П V

П V П V

П V П

П V

П



Бундай штрихларнинг турли хилларини амалиётда қўллашимиз мумкин, улар ўқувчининг ўзлаштиришига қараб мураккаблаштириб борилади. Гамма ўрганилгандан сўнг ўқувчи билан этюдлар ва турли хил машқлар ўрганилади. Берилаётган машқлар болада нота чўзимини шакллантириши учун уларга ҳар хил чўзимлар қўлланган машқларни бериш лозим. Ўқувчи чалиш билан биргаликда нота чўзимларини, санокни ҳам ўрганиб боради.



ЭТЮД

Allegretto (harakat bilan)

В. Мельников



Рус композитори В.Мельников томонидан ёзилган этюд айнан бошланғич синфлар учун мўлжалланган бўлиб, ўқувчида нота ёзуви, нота чўзимлари, штрихлар ва чолғуда аппликатура қўйиш ва хотирада сақлаб қолиш каби бир мунча вазифаларни ўзида қамраб олган, ўқувчида ижро кўникмасини хосил қиладиган қулай этюдлардан биридир.

Болада айниқса 3-4 бармоқлар ишлаши қийинроқ кечади, умуман бу бармоқларни ижро имкониятларини шакллантириш учун жуда кўплаб машқлар мавжуд, булардан айнан 3 ва 4-бармоқлар учун Г.Шрадик машқларини мисол қилиб олишимиз мумкин.



Г.Шрадик машқлари орасидан шу машқ жуда ҳам тўртинчи бармоқ фаолиятини ривожлантириш учун фойдали. Бу машқлар бармоқни босиш ва кўтариш техникасини тезлаштиради ва бармоқни сезишга катта ёрдам беради.

Г.Шрадик машқлари ҳар бир бармоқ учун жуда фойдали. Бола созни, ноталарни ўзлаштириб олгач, бармоқларни босиб товуш ҳосил қилишни ўргатиш учун турли машқларни бериш керак. Шу зайлда бармоқлар

ҳаракатини таъминловчи турли хил машқлар, очик симларда машқлар бериб болада ҳам назарий, ҳам амалий кўникма ҳосил қилинади.

Рубоб прима чалганда боланинг чап қўл бармоқлари бироз оғриши мумкин, симларнинг металл бўлганлиги, бола чалганда бармоқ ёстикчаларига симнинг ботиши сабаб дастлабки ижро пайтида бармоқларни қаттиқ боса олмаслик овоз тембрини бўғиб қўйиш ҳолатларига олиб келади.

Шунинг учун айрим рубоб прима ўқитувчилари симларни 1 тон 2 тон пасайтириб созлаб беришлари, симларни нисбатан юмшатишга ҳаракат қилишлари ҳам амалиётда қўлланилади. Жумладан мен бу усулдан фойдаланмайман, болани айнан берилган созда ижро этишини, қулоғи ўрганишини таъминлайман ва имкон қадар ингичка торлардан, берилган нормадан сал ингичкароқ сим танлайман, масалан ля торига 30 эмас 28 мм сим, ми торига 28, 25 эмас 24 симларини тақиб бераман.

Бошланғич ўрганиши учун қулайлик яратиш мақсадида ингичкароқ металлни танлайман. Бола чалишда давом этса оғриқ ўз-ўзидан йўқолиб кетади, бармоқ ёстикчаларида симга нисбатан кўникма ҳосил бўлади, яъни қадок пайдо бўла бошлайди. Имкон қадар чап қўл бармоқларини қаттиқ босган ҳолда берилган машқларни ижро этишига эътибор беришимиз керак.

Ўқувчининг рубоб прима билан танишуви, амалий ва назарий жиҳатдан ўзлаштиришига I-чорак учун белгиланган техник синов имтиҳонининг ўрни каттадир. Бу имтиҳонда ўқувчи чолғуни ўзлаштириш қобилияти ва назарий жиҳатдан тайёрлигини кўрсатади. Мактаб дастурига киритилган мусиқа назариясига оид саволлар берилади, айнан чалаётган сози бўйича саволлар бериб боланинг қобилияти синалади.

II-чорак учун боланинг қобилиятига қараб 2 та этюд ва 2 та гамма берилади, ўзлаштириши бирмунча пастроқ болаларга эса 1 та гамма ва 1 та этюд берилади. Этюдларни танлашда ритмик кўриниши, нота чўзимлари ва штрихлари, тезлик суратига аҳамият берилади. Дастлабки танлов асосан болада нота ёзувини ўзлаштиришида енгиллик бўлиши учун нота чўзимига

эътибор қаратилади. Ўқувчи чалиш билан бир қаторда музиканинг элементар назариясини ҳам ўзлаштириб боради.

Техник имтиҳон синовидан сўнг болага II-чорак учун 2 та куй ва гамма берилади. Куй танлашда аввало боланинг ўзлаштириш қобилияти эътиборга олинади. Янги музикаий тушунчаларга бой асар, жумлалар ўзгарувчанлиги, асарнинг динамик белгилари ва нота чўзимлари ҳар хиллиги, ритмик кўриниши турли хил бўлган асар танлашга ҳаракат қилинади. Бу ҳам боланинг ўзлаштиришига қараб бўладиган жараён ҳисобланади.

Ўқувчининг қобилияти шаклланишида мактаб доирасида бўлиб ўтадиган ҳар йили анъана тусига кирган “Наврўз” кўрик танловининг ўрни бекиёсдир. Ҳар йили баҳор фасли наврўз байрами арафасида мактаб доирасида ўтказиладиган бу танлов ўқувчиларда соғлом ижодий рақобатни юзага келтириш билан биргаликда, сахнада ижро этиш маҳоратини ривожлантиради, бу эса катта меҳнат талаб қилади.

Айнан бу танловда II-гуруҳ иштирокчилари 1 ва 2-синфлар эканлиги ўқувчининг ўрганаётган чолғусини ва ўқув йили давомида қай йўсинда ўзлаштириши ва қобилияти даражасини, тенгдошлари орасида қандай ижро маҳоратига эга бўлганлигини намоён қилади.

Яъни, улар 2-синфлар билан тенгма-тенг рақобатлаша оладиган ижро имкониятига эга эканлигини, катта сахнада намоёиш этади. Бунда албатта энг қобилиятли ўқувчилар саралаб олинади. Уларнинг илк сахнага қадам кўйишига ана шундай турли танловларнинг, концерт чиқишларнинг ўрни бекиёсдир.

Аввал мактаб сахналарида ўзини чархлаб олган ўқувчилар ўз устида тинимсиз ишлаб, бунданда юқори чўққиларга интилишади ва республикамизда ўтказилиб келинаётган турли танловларда иштирок этадилар, натижада етук созандалар қаторидан жой олиш имкониятлари кенгаяди.

Ўзлаштириши бирмунча пастроқ бўлган ўқувчилар сахнадаги тенгдошлари ижросига ҳавас қилиб, ана шундай танловларда иштирок этиш

ва ўз маҳоратларини оширишга интилишмоқда. Ана шундай ўқувчилардан бири бўлган Исматуллаев Самандар ва Абдурашидов Абдурахмонлар бошланғич таълимни мендан олишган.

Дастлаб рубоб прима созларини ўзлаштириши бир мунча қийинчилик туғдирди, дарсларни ўз вақтида бажара олмай, имтиҳон-синовлардан анча паст баҳолар олгани айнан юқорида келтирилган руҳий тушкунликни келтириб чиқарди. Мослашув жараёни ўтганидан кейин эса бу чолғуга қизиқиши ортиб, техник жihatдан анча ўсди, мактаб доирасидаги турли танловлар ва концертларда иштирок этиб, ҳозирда мактабнинг энг аълочи ўқувчилари қаторидан жой олишди.

Қувонарлиси, бу ўқувчиларимиз 2016 йил ноябрь ойида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган “Серебряный камертон” XII-Халқаро танловда Абдурашидов Абдурахмон II-даражали диплом, Исматуллаев Самандар эса Гран при ва I-ўрин совринларига, мамлакатимизда ўтказилиб келинаётган II-Халқаро “Она юрт оханглари” конкурсида I-даражали диплом совринни қўлга киритди.

Бу ютуқлар албатта катта меҳнат эвазига, чолғуга бўлган қизиқишнинг ортиши сабабли юзага келган. Бундай конкурсларда қатнашаётган ўқувчиларимиз сони жуда кўп, айнан рубоб прима созида дунё сахналарида ижро этиб, муносиб ютуқларга эришиб келаётган ана шундай қобилиятли ўқувчиларни етиштириб чиқараётган устозларнинг ҳизматлари каттадир.

Кўпгина ўқувчиларимиз 2017 йил апрель ойида Италия давлатида бўлиб ўтган “*Читта де Песаро*” деб номланган конкурсда иштирок этиб, олий ўринларга эга бўлишди. Мана шундай конкурсларда айнан бизнинг ўқувчилар рубоб прима созида ижро этиб моҳир созандалар қаторидан жой олишга интилиши биз устозларни албатта қувонтиради.

Болаларнинг илк ўқишга келганида таълим бериш жараёнида уларнинг эркалигию ҳар бир ҳатти-ҳаракатига психологик ёндашиб, юқорида таъкидлаб ўтганимиз буюк мутафаккир олим Абу Али Ибн Сино маслаҳатларини доимо ёдда сақлашимиз ва болалар билан болалар тилида

мулоқот қилишимиз ва болалар қалби ҳамда онгига мусиқани киритиб боришимиз керак, ана шунда келажакда улардан моҳир созандалар етишиб чиқади.

Умуман, рубоб прима созини ўқитиш масаласи бугунги кунда долзарб педагогик масала сифатида мутахассисларнинг диққат марказида туради. Шу боис, махсус тадқиқот иши сифатида диссертация ишида ўрганган ва таҳлил этган илмий-услубий жиҳатлар ўқитиш жараёнини келажакда такомиллаштиришга қаратилди.

ХУЛОСА

1. Рубоб прима созининг келиб чиқиш тарихи, бугунги кундаги амалиёти ҳамда истиқболдаги тараққиётига оид жараёнларни таҳлил қилинди.

2. Амалиётда рубоб прима ижрочилигида самарали фаолият олиб борган моҳир созандаalar фаолиятини таҳлилий ёритиб, ижро амалиётида яратилган ҳамда ижро услублари асосида юзага келган устоз-шогирд анъанаси ютуқларини бугунги таълим жараёнлари талаблари асосида ўрганиб, тавсифладик.

3. Устозлар томонидан рубоб прима чолғусида истеъмолга киритилган ижрочилик анъаналари бўйича ёш созандаalar учун зарур маълумотларнинг амалиёт учун аҳамиятли жиҳатларини ўргандик.

4. Рубоб прима созининг якканавоз ва ўзбек халқ чолғу оркестри таркибидаги ижровий имкониятларини замонавий ижрочилик техникаси талаблари нуқтаи назаридан ўргандик. Шу негизда рубоб прима чолғусининг яратилиши, унинг дастлабки ижрочилари, дастлабки ижро этилган чолғу асарлари, бугунги кун ижро амалиётида мавжуд репертуар асарлар маълум тизимга солинган шаклда тавсифланди.

5. Рубоб прима созини ўқитишнинг бошланғич даврида учрайдиган педагогик мураккаб жиҳатлар хусусиятларини ўз иш тажрибаларимиз асосида таҳлил қилиш ва тавсифлашга эришдик.

6. Иш якунида рубоб прима сози таълими ва ижрочилик амалиётининг истиқболлари илмий-муסיқий жиҳатдан прогноз қилинди.

ТАВСИЯЛАР

Магистрлик диссертация ишини тайёрлаш жараёнида амалга оширилган таҳлилий ишлар, мавзу доирасида ўрганилган адабиётлар, шунингдек, беш йиллик педагогик тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тавсияларни таклиф этмоқчимиз.

1. Махсус мусиқа мактаб интернатларида рубоб прима сози бўйича ўқишга қабул қилишда ота-оналари билан суҳбат уюштирган ҳолда уларни ўрганиш ва шу асосда қабулни амалга ошириш лозим.

2. Мусиқа ва санъат мактабларида мусиқа адабиёти фанини ўқитишда рубоб прима ижрочилигида самарали меҳнат қилган моҳир созандаalar фаолиятига ҳам ўрин бериш зарур деб ўйлаймиз, чунки ушбу соз ижрочилари борасида эгалланган қўшимча билимлар ўқувчиларнинг рубоб примасага бўлган қизиқишлари янада ошишига имкон яратади.

3. Устоз созандаalar ижрочилик анъаналари асосида рубоб прима чолғусида истеъмолга киритилган ижронинг айрим илғор элементларини ёш созандаalar амалиётида жорий этишни кенгайтириш зарур.

4. Рубоб прима сози ижрочилиги бўйича республика ва хорижий мамлакатлар фестивал, конкурсларида олий ҳамда биринчи ўринларни эгаллаган ёш созандаalar ижодий фаолиятини кенг тарғиб этиш лозим. Бу ёш ижрочилар қизиқишларини оширишда муҳим омил бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 23 январь сони.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимиغا бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2016. - 566 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2016. - 488 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 176 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
6. Абдурахимова Ф. Ўзбекистон тароналари / “Сўғдиёна” ўзбек халқ чолғулари камер оркестри бисотидан. Ўқув-методик қўлланма. 1-нашр. –Т.: Турон-иқбол, 2005. - Б.168.
7. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: 2003.
8. Акбаров О. Педагогик амалиёт. Прима рубоби. Маданият ва санъат, педагогика коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Истиқлол, 2005. – Б.208.
9. Булатова О.С. Педагогический артистизм: Учеб. пособие. - М.: Издательский центр “Академия”, 2001. – 244 с.
10. Гочбакаров А. Рубоб прима чолғу ижрочилиги. Олий таълим муассасалари учун ўқув қўлланма. – Т.: Муסיқа, 2005. – Б.168.

11. Кадыров Р.Г. Музыкальная педагогика: Учебное пособие. - Т.: Мусиқа, 2008. – 350 с.
12. Мискинов О. Рубоб прима наволари. Олий таълим муассасалари талабалари ҳамда мусиқа ва санъат коллежи ва лицей ўқувчилари учун тўплам. – Т.: Мусиқа, 2015. – Б.146.
13. Содиқова Н. Дилхуш наволар. I китоб. Ўқув қўлланма. – Т.. 2013. - Б.172.
14. Шарипов Н. Рубоб – прима. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2003. – Б.104.
15. Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Т. Ўқитувчи нашриёти, 1995.
16. Петросянц А.И Инструментоведение. Ташкент. 1951.г
17. Абдуллаев Р. Рубоб прима садолари. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Т.. 2016. - Б.144.
18. Шарипов Н. “Рубоб прима услубиёти” Тошкент 1992
19. Григорян А. “Скрипка учун гамма ва арпеджиолар” Москва 1970
20. Назиров Қ. “Ғижжак” Тошкент “Мусиқа” 2012.
21. Содиқова Н. Дутор учун гамма, этюд ва машқлар. Олий, ўрта махсус маданият ва санъат ўқув юртлари, мусиқа мактаблари учун ўқув қўлланма. – Т.. 2017. - Б.87.
22. Абдуллоев А. ва бошқ. Мактаби дарси рубоби прима. Ўқув қўлланма. Душанбе, 1982.
- 23.

Иловалар

Рубоб прима сози учун яратилган асарлар

Ноталарни киритиш

NAVRO'Z UFORI

N. Norxo'jayev

Allegro grazioso

The musical score is written for piano and voice. It begins with a piano introduction in 6/8 time, key of D major. The tempo is marked 'Allegro grazioso'. The piano part features a complex bass line with many triplets and sixteenth notes. The vocal part has some handwritten notes above it, including '1 0 4 0 1' and '4 0 1'. The score is divided into several systems, each with a vocal line and a piano accompaniment. The piano accompaniment includes many triplets and sixteenth notes, creating a rhythmic and melodic texture. The vocal line is written in a single staff, with some handwritten notes above it. The score ends with a final cadence in the piano part.

Handwritten musical score for piano and voice, page 40. The score is written on five systems of staves. The first four systems each consist of a vocal staff (treble clef, key signature of one sharp) and a piano accompaniment (grand staff, key signature of one sharp). The fifth system consists of a vocal staff and a piano accompaniment. The sixth system consists of a piano accompaniment. The score includes various musical notations such as notes, rests, accidentals, and dynamic markings. The word "Fine." is written below the fifth system. The page number "40" is centered at the bottom.

Handwritten musical score for piano and voice, page 40. The score is written on five systems of staves. The first four systems each consist of a vocal staff (treble clef, key signature of one sharp) and a piano accompaniment (grand staff, key signature of one sharp). The fifth system consists of a vocal staff and a piano accompaniment. The sixth system consists of a piano accompaniment. The score includes various musical notations such as notes, rests, accidentals, and dynamic markings. The word "Fine." is written below the fifth system. The page number "40" is centered at the bottom.

The musical score is written for a single melodic line (likely guitar) and a piano accompaniment. It consists of five systems of music. The melody line features various ornaments, including triplets and sixteenth-note runs, and is marked with fingerings (1, 2, 3, 4). The piano accompaniment is primarily composed of chords and arpeggios, providing a harmonic foundation for the melody. The piece concludes with a 'da capo al fine' instruction, indicating a repeat of the entire piece.

da capo al fine

YUMORESKA

Prima rubobi va fortepiano uchun

A.Nabiev

Allegro ♩ = 130

The musical score is written for piano and a melody line. The tempo is marked 'Allegro' with a quarter note equal to 130 beats per minute. The key signature is one flat (B-flat major or D minor). The score is divided into three systems. The first system shows the piano accompaniment with a triplet of eighth notes in the right hand and a single eighth note in the left hand, followed by a forte (f) dynamic. The melody line starts with a triplet of eighth notes, followed by a quarter note, and then a series of eighth notes with fingerings 3, 4, 3, 2, 2, 1. The second system continues the piano accompaniment with a triplet of eighth notes in the right hand and a single eighth note in the left hand, followed by a quarter note. The melody line continues with a triplet of eighth notes, followed by a quarter note, and then a series of eighth notes with fingerings 3, 3, 3, 3, 3, 3. The third system shows the piano accompaniment with a triplet of eighth notes in the right hand and a single eighth note in the left hand, followed by a quarter note. The melody line continues with a triplet of eighth notes, followed by a quarter note, and then a series of eighth notes with fingerings 2, 3, 2, 1, 2, 1, 1, 1, 1, 1.

0 1 2 3 0 1 2 1 2

mp *mf*

2 A 2 4 2 3 1 4 3 2 1 1

2 0 1 2 1 2 3 4 2 3 1 2 2 3 1 3

2 0 1 2 3 4 2 0 3 0 1 4 3 2 4

f

3 3 4 1 1 4 1 0 1 2 2 1 2

mf

2 2 4 3 4 1 4 1 1

1 2 3 1 2 2 3 1 3

2 1 2 3 3 1 3 1 3 1 2 3

4 3 2 4 1 2 3 4 1 2 3 2 1 0 1 3 4 3 4 1

mf

3 0 1 4 1 2 3 4 3 2 1 4 3 2 3 3 4 1

1 2 2 3 4 1 3 0 1 2 1 3 2 3 1 2 2 3 1 3

2 0 1 4 1 3 2 1 3 1 2 1 2 1 2 0 1 3 4 2 4

sim.

3 1 4 3 2 3 1 2 2 4 1 2 0 1 3 3 3 2 1 0 1 2

3 2 0 1 3 2 4 3 2 3 0 1 2 3 1 1 4 2 3 1 2 1 2 1 3

2 *gliss.* 2 2 3 4 1 2 0 3 0 3 3 2 3 1 0

A 1 4 0 2 0 2 3 1 2 0 1 4 3 1 2 1 2 3

The musical score is organized into five systems, each with a single melodic line and a piano accompaniment. The notation includes various musical symbols such as notes, rests, and dynamic markings like *f* and *mf*. The melodic line features extensive guitar-specific notation, including fingering numbers (1-4), bends (marked with a 'v'), vibrato (marked with a 'v' and a wavy line), and slurs. The piano accompaniment consists of chords and a bass line. The key signature has one flat (B-flat), and the time signature is 4/4.

System 1: The melodic line begins with a *f* dynamic and includes a *mf* dynamic. The piano accompaniment features chords and a bass line.

System 2: The melodic line continues with various fingering and bending techniques. The piano accompaniment features chords and a bass line.

System 3: The melodic line includes a variety of notes and rests. The piano accompaniment features chords and a bass line.

System 4: The melodic line includes a variety of notes and rests. The piano accompaniment features chords and a bass line.

System 5: The melodic line includes a variety of notes and rests. The piano accompaniment features chords and a bass line.

First system of musical notation, measures 1-2. The right hand (treble clef) features a melody with eighth and sixteenth notes, including a triplet of eighth notes in measure 1. The left hand (bass clef) provides a harmonic accompaniment with chords and single notes. A forte (*f*) dynamic marking is present in measure 2.

Second system of musical notation, measures 3-4. The right hand continues the melodic line with various articulations, including accents and slurs. The left hand maintains the accompaniment pattern. A forte (*f*) dynamic marking is present in measure 3.

Third system of musical notation, measures 5-6. The right hand includes triplet markings (3) and accents (V) over specific notes. The left hand continues with a steady accompaniment. A forte (*f*) dynamic marking is present in measure 5.

Fourth system of musical notation, measures 7-8. The right hand features a series of chords, some with fingerings (1, 2, 3) indicated. The left hand continues the accompaniment. A forte (*f*) dynamic marking is present in measure 7.

First system of musical notation, measures 1-4. The system consists of three staves: a single treble staff at the top and a grand staff (treble and bass) below. The top staff contains a series of chords, with fingerings 1, 2, and 3 indicated above measures 3, 4, and 5 respectively. The grand staff contains a complex accompaniment with many beamed sixteenth notes. Dynamic markings *mf* appear in measures 3 and 4.

Second system of musical notation, measures 5-8. The system consists of three staves: a single treble staff at the top and a grand staff (treble and bass) below. The top staff continues the melodic line with fingerings 1, 2, and 3. The grand staff continues the accompaniment. Dynamic markings *mf* are present in measures 5 and 6.

Third system of musical notation, measures 9-12. The system consists of three staves: a single treble staff at the top and a grand staff (treble and bass) below. The top staff begins with a forte *f* dynamic and includes fingerings 4, 2, 1, 2, 1. It features a melodic phrase with a slur over measures 10 and 11. The grand staff continues the accompaniment. A *mf* dynamic marking appears in measure 10.

Fourth system of musical notation, measures 13-16. The system consists of three staves: a single treble staff at the top and a grand staff (treble and bass) below. The top staff contains a series of chords. The grand staff continues the accompaniment.

The musical score is written for a violin and piano. It is in D major (two sharps) and 4/4 time. The score is divided into four systems. The first system begins with a violin staff marked with an asterisk (*) and a piano staff. The violin part features a melodic line with fingerings 1 2 3 0 1 2 3 and 0 3 2 1. The piano accompaniment consists of chords and moving lines. The second system continues the violin melody with fingerings 4 3 0 1 2 3 0 and 3 0 1 0 1. The third system shows a more intricate violin part with fingerings 0 1 2 3 0 1, 2 1 1 2 3, 4, and 0 1 3 1. The piano part provides harmonic support. The fourth system ends with a piano (p) marking and an 8va instruction for the violin staff, indicating an octave shift. The score includes various musical notations such as treble and bass clefs, key signatures, time signatures, and dynamic markings like 'f' and 'mp'.

*) Asarning shu qismini Lyab majorda ham ijro etish mumkin

RAQS

Rustamjon Abdullayev

Allegretto
(O'rtacha tez)



Rubob prima sadolari

2

21

1.

2.

f p

f p

27

31

f

f p

f p

35

40



Rubob prima sadolari

3

45

fp

fp

49

fp

fp

54

59

ff

ff



RAQS

R.Abdullayev
Rubob-prima triosi uchun
M. Umarova moslashtirgan

1 Allegretto

Rubob prima I

Rubob prima II *f (ff)*

Rubob prima III *f (ff)*

6

R.p. I

R.p. II *p*

R.p. III *p*

11

R.p. I

R.p. II *p* *f (ff)*

R.p. III *f (ff)*

Copyright ©DinO 95 PriMaCh

17

R.p. I

R.p. II

R.p. III

p

p

p

23

2

R.p. I

R.p. II

R.p. III

p

p

p

28

3

R.p. I

R.p. II

R.p. III

fp

fp

fp

33

R.p. I

R.p. II

R.p. III

fp

fp

fp

37

R.p. I

R.p. II

R.p. III

f p

f p

41

4

R.p. I

R.p. II

R.p. III

f

f

f

f

45

R.p. I

R.p. II

R.p. III

f

f

f p

f p

49

5

R.p. I

R.p. II

R.p. III

p

p

f

54

R.p. I

R.p. II

R.p. III

59

6

R.p. I

R.p. II

R.p. III

pf

pf

pf

pf

63

7

R.p. I

R.p. II

R.p. III

f p

f p

68

8

R.p. I

R.p. II

R.p. III

73

R.p. I

R.p. II

R.p. III

ff

ff

ff

73

R.p. I

R.p. II

R.p. III

ff

ff

ff